БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 14 апрель Шанба
№ 72 (13. 508)
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Информацион билдириш

1990 йил 12 апрелда ВЛКСМ XXI съездининг эрталабки мажлисида СССР Олий Кенгаши ёшлар ишлари бўйича Қўмитасининг кичик қўмитаси раиси А. Шаронов ВЛКСМдан СССР халқ депутатлари гуруҳининг маърузасини қилди.

ВЛКСМ Устави тўғрисида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби В. Зюкин ахборот берди.

Маърузалар ва ахборотлар юзасидан музокараларда: Кемерово вилоят ВЛКСМ Междуречье шаҳар қўмитасининг биринчи котиби В. Чирков, Белоруссия ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Кудлаш, «Комсомольская правда» рўзномасининг бош муҳаррири В. Фронин, Волгоград шаҳар ВЛКСМ Совет ноҳия қўмитасининг биринчи котиби Л. Бунаков, Пермь давлат дорилфунуни ВЛКСМ қўмитасининг котиби О. Ганин, Қозоғистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. Тосмағамбетов, Брест вилояти Столин ноҳиясидаги Велемичск ўрта мактабининг ўқувчиси И. Мамайко, Тула вилоятидаги Москва кимё-технология институти Новомосковск филиалининг сиёсий тарих ва илмий социализм кафедрасининг ассистенти Ю. Шакиров, Тюмень вилояти ВЛКСМ Ханти-Мансий шаҳар қўмитасининг биринчи котиби В. Кушников, Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Носиров, Ростов вилояти Качальницк 1-ўрта мактабининг ўқувчиси В. Свинаренхо, ВЛКСМ Марий вилоят қўмитасининг биринчи котиби М. Калиновлар қатнашдилар. ВЛКСМ Уфа шаҳар қўмитасининг биринчи котиби И. Юлбарисов бошқирд делегацияси номидан баёнотни эълон қилди.

ВЛКСМ XXI съездининг РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Съезднинг иккинчи куни охирида СССР Олий Кенгашига СССРнинг «Давлат, ижара, ширкат, жамоат ва бошқа корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга солинадиган солиқлар тўғрисида» Қонун лойиҳаси киритилганлиги тўғрисида хабар келиши билан съезд ижтимоий-сиёсий ва жамоат (шу жумладан ёшлар) ташкилотларига ва уларнинг корхоналарига солиқ солиш Қонун лойиҳасидаги киритилган тартибларига рози эмасликларини ифодаловчи резолюция қабул қилиш учун музокарани тўхтатдилар.

Съезд барча жамоат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар томонидан мазкур резолюцияни қўллаб-қувватлашга эътиборни қаратади.

Сўнгги икки йилда мамлакатда ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашида ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга ва ижтимоий ҳаракатномаларни рўёбга чиқаришга қаратилган корхоналарнинг тармоқлари ташкил этилди.

Ана шу корхоналарнинг иқтисодий фаолияти ёшларнинг ташаббусларини, йигит-қизларнинг мустақил хўжалик фаолиятида қатнашиш истакларини рўёбга чиқариш, ёшларнинг иш билан банд бўлиш имкониятини берди, амалий ташаббусини ривожлантиради, замонавий меҳнатни бошқариш усулларини оммалаштиришга кўмаклашади, замонавий раҳбарлар авлодини тарбиялайди. Ижтимоий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш заруратини англаган ҳолда ёшлар жамоат ташкилотларининг хўжалик ҳисобидаги корхоналари ўтган вақт давомида ижтимоий ҳаракатномаларни рўёбга чиқаришга, хайрия мақсадларига 50 миллион сўмдан зиёд сарфладилар.

Шуни эътиборга олиш кераки, ВЛКСМ корхоналарининг 90 фоизи ўз фаолиятларини давлат маблағисиз ва уларнинг эҳтиёжларига ресурслар, лимитлар, фондлар ажратилмаган ҳолда бошладилар.

Бироқ сўнгги вақтда СССР ҳукуматида, унинг молиявий органларида ёшлар жамоат ташкилотларининг аҳамиятини ва корхоналарининг фаолият кўрсатиш шарт-шароитларини тушиниш, уларни ривожлантиришга манфаатдорлик йўқ. Бу СССР Вазирлар Кенгашининг ва СССР Молия вазирлигининг сўнгги қарорларида, шунингдек, СССРнинг «Давлат, ижара, ширкат, жамоат ва бошқа корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга солинадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди. Таклиф этилаётган таҳрирда Қонуннинг қабул қилиниши 4 мингдан зиёд ёшлар жамоат корхоналари фаолиятини мушкул ҳолга солиб қўяди, бир қатор ижтимоий ҳаракатномаларни маблағ билан таъминлашни тўхтатишга олиб келади, ВЛКСМ ёшлар корхоналарининг 200 мингдан зиёд ходимини ишдан маҳрум этади, пировардида эса йигит ва қизларнинг қайта қуриш реаллигига эътиқодини барбод қилади.

СССР ҳукумати ва Молия вазирлиги англаб етиши лозимки, барчадан сўрамай-суриштирмай улкан монополистлар системасига мослашганлардан бошлаб то ёшлар марказларигача бўлганлардан сўнгги маблағларни тортиб олиш бюджетда етишмовчиликни қисман қоплаши мумкин, лекин иқтисодиётни узоқ йиллар орқага суриб юборади, у билан шуғулланишга бўлган ҳар қандай иштиёқни қайтаради.

Ривожланган мамлакатларда ёшларнинг иқтисодий фаолияти рағбатлантирилади, имтиёзлар берилади, ёшлар ташкилотларини тузиш ва фаолият кўрсатиши эса давлат томонидан маблағ билан таъминланади.

ВЛКСМ XXI съезди Қонун лойиҳасини тақдим этиш ташаббусидан фойдаланиб, СССР Олий Кенгашига Қонун лойиҳасида белгиланган жамоат ва ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ҳамда уларнинг корхоналарига солиқ солиш тартибларини қайта кўриб чиқишни, солиқ солишнинг янги тартиби концепциясини ишлаб чиқиш пайтида ёшларнинг манфаатларини эътиборга олишни таклиф қилади.

1990 йил 12 апрелда ВЛКСМ XXI съезди томонидан қабул қилинган.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси биринчи котиби В. МИРОНЕНКО маърузаси

«Истиқбол шундай ҳам ёшларга тегишли. Ёшларга ҳозирги ҳаёт керак»

Ҳурматли делегат ўртоқлар!

ВЛКСМ XXI съезди навбатдан ташқари ва аслида фавқулодда съезддир. Иттифоқ аниқ йўлни танлаб олиш олдида турибди. Турли йўллар бўлиши мумкин. Лекин уларни у ёки бу тариқа иккита йўлга бирлаштириш мумкин.

Биринчи йўл. Ўзгараётган вазият тазъйиқи остида тадрижий ривожланишни давом эттириб, партиянинг қаноти остида оғир пайтларни ўтказишга умид қилаётган тор доирадаги деярли ажралиб чиқадиган ҳаракат.

Иккинчи йўл. Ўз сиёсий мавқеини белгилаб олиш йўли. Ташкилотнинг мақсадларини ҳаракатнома ҳужжатларида таърифлаш. Янги Устав қабул қилиш. Шу тариқа ёшлар ҳузурига бориб, ҳамма жойда ёшларнинг ҳаётда ўз мавқеини мустаҳкамлай олиш учун кичик-кичик бўлса-да, реал имкониятлар яратиш, иттифоқ ички демократиясининг занглаб қолган мурватларини ҳаракатга келтиришга мажбур этиш йўлидир.

Сизларнинг муҳокамангизга иккинчи йўл тақдим этилади. Бу нима учун керак? Иттифоқда вазиятни ва ишларнинг аҳволини холисона баҳолаш лозим. Тажрибани, айниқса, кейинги уч йиллик тажрибани ҳисобга олиш керак.

* * *

Менинг назаримда, Марказий Қўмитанинг эълон қилинган Ҳисоботида баён қилинган гапларни такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Лекин ҳар ҳолда ҳисобот даврининг айрим хусусиятлари тўғрисида ҳамда ана шу давр мобайнида ишлаб, биз чиқарган хулосалар ҳақида гапириб ўтиш керак албатта.

МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАНИНГ ИШИ ВА ВЛКСМДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА

Марказий Қўмита Ҳисоботига баҳо бераётганда у ишлаган вазиятни назарда тутиш керак. Бу янги сиёсий система вужудга келган давр бўлди.

Марказий Қўмита XX съезд қарорларини бажара бориб, иттифоқни бюрократизмдан холи қилди, хўжалик ҳисобидаги бирлашмаларнинг, ёшлар марказларининг, ёшлар илмий-техник ижодкорлигининг ҳамда МЖК ҳаракатини авж олдириш, талабалар аҳволини бирмунча яхшилаш имконини берган ҳукумат қарорлари қабул қилинишининг ташаббускори бўлди.

Комсомоллардан иборат депутатлар корпуси вужудга келди, ёшлар ишлари бўйича Қўмитаси тузилди ёшларга оид давлат сиёсатининг Концепцияси ва ёшлар ҳақида Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. СССР Ёшлар ташкилотлари қўмитаси қайта тузилди.

Аммо шуларга қарамай, ташкилот пароканда бўла бошлади. Марказий Қўмита мураккаб аҳволда қолди. У илгариги бюрократик ва маъмурий усуллардан қанчалик қатъият ва дадиллик билан холи бўлса, уларсиз бизнинг кўпгина ташкилотларимиз яшай олмаслиги, шунингдек, юқоридан молиявий мададсиз яшай олмаслиги шунчалик равшанроқ бўлиб борганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Аввалига «Литва можароси», сўнгра, Эстония ва Латвия ЛКЁИларида комсомолга қарши кайфиятларнинг ошиб бориши, Грузияда комсомол таъсирининг кескин камайиши, Тоғли Қорабоғ теварагидаги вазиятнинг ҳал этилмаганлиги, «Сургут муқобили» ҳаракати бир қисмининг янгиланиш ҳаракатидан тугатувчилик ҳаракатига айланиши, РСФСР ЛКЁИсини ташкилий расмийлаштириш ҳақида Марказий Қўмита Бюросида бўлган ниҳоятда жиддий мунозара, йирик ташкилотлар билан, айниқса, олий ўқув юртларидаги ташкилотлар билан ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталари ўртасидаги муносабатларнинг жиддийлашганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси ва бошқа кўпгина воқеалар вазиятни янгича қайта мушоҳада қилиш ва тублироқ тадбирлар кўриш кераклигини кўрсатди.

Марказий Қўмита ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам танқид қилинди. Аммо у илгари съезд белгилаган тадбирларни амалга оширишни давом эттирди. Биз билар эдикки, «ҳар қандай кўнгилсиз ҳодиса рўй бермасин, бу ҳодиса айни шундай бўлишини биладиган одам ҳамиша топилади».

Ваколатларни ўзидан соқит қилаётган Марказий Қўмитага ниҳоятда оғир иш қилишга тўғри келди. У янги вазиятда ВЛКСМ ўрнини англаб олгунча, қийин йўлни босиб ўтди. Яккаҳокимлик мавқеига одатланиш асосида иш олиб борувчи бир қолипдаги ёшлар ташкилотларининг пайти ўтиб кетди.

Мамлакатимизда ёшлар ҳаракатига ҳам, ВЛКСМга ҳам бутун қарашларимизни ўзгартиришни талаб қилаётган янги жамият шаклланмоқда.

* * *

Марказий Қўмита учта асосий масала юзасидан таклифларни айтмаса, ўз ролини тўла бажармаган бўлур эди.

Биз жамиятни қай таҳлидда кўраяпмиз?

Унда ёшлар ташкилоти қандай бўлиши керак?

ВЛКСМ қандай йўналишда ривожланиши лозим?

ЖАМИЯТДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА

Айрим социологик тадқиқотлар ёшларнинг 53-55 фоизи социалистик истиқболни қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради. Ишлаётган ёшларнинг салкам 22 фоизи, талабаларнинг 30 фоизи социализм имкониятларига ишонмайди. Ёшларнинг каттагина қисми учинчи йўл бор деб ўйлаётир. Партия бугунги кунда ёшларнинг тахминан учдан бир қисмининг, ВЛКСМ эса ўндан бир* қисмини қатъий мададидан умидвор бўлиши мумкин.

* * *

Нима учун тараққийпарвар, инсонпарвар ғоялар фикрни барбод қилувчи ақидаларга айланаётганлиги; илғор ижтимоий кучлар қай тариқа, нима учун ташаббусни, ҳар қандай мустақил ҳаракатни бўғувчи ёпиқ, бюрократик структураларга айланаётганлиги ҳақидаги саволларга тарихчилар жавоб берадилар.

Лекин ҳозироқ мана бу саволга жавоб беришимиз керак: «Хўш, бизга нима бўлди ўзи?»

Октябрь революциясидан кейин ижтимоий тараққиёт революция ташкилотчилари ўйлаганидек бормади.

Анъанамизга кўра, санамга айлантирилган йўлбошчиларнинг суратларига сажда қилиб, социалистик ғоя номидан жамият ва инсон таҳқирланди. Дастлабки йилларда халқнинг ўз ўтмишига нафрати ва озодликка, янги ҳаётга интилиши зўр бўлган пайтда бу нарсани тушуниш мумкин бўлса-да, шундан кейин қилинган ишларнинг ҳаммасини изоҳлашнинг ҳам, оқлашнинг ҳам иложи йўқ.

Ҳар қандай революция ўз мақсадларига эришиш учун анча илдамлаб кетиши керак. Масалан, Франция буржуа революцияси якобинчилар диктатурасига ва империягача бориб етди. Октябрь Социалистик революциясидан кейин Сталин қатағони ва Брежнев ярамасликлари рўёбга чиқди.

Лекин одамларнинг кўзи о ч и л и б, революциянинг объектив мақсадларига қайтилди. Ҳаёт хом хаёлларни чиппакка чиқармоқда. Ҳамма нарсани ўз жойига қўймоқда. Биз айни шундай даврда яшаяпмиз.

Ҳалок бўлаётган социализм хусусида кўз ёши ва оҳ-воҳ қилишнинг ҳожати йўқ. **Социализм эмас, балки унинг карикатураси ҳалок бўлмоқда.**

Революцион дабдабабозлик тутуни тарқаб кетди. Ҳаёт — бир киши иккинчисидан тортиб оладиган ҳуқуқ эмас, балки бебаҳо инъом эканлиги равшан бўлиб қолди.

Илгари ҳал этилмаган иқтисодий, сиёсий, маданий вазифаларни ҳал этиш кераклиги равшан бўлиб қолди. Ҳокимиятни демократик йўл билан сайланган халқ вакилларига, ишлаб чиқариш воситаларини — ишлаб чиқарувчиларга бериш, шахс ҳуқуқлари ва эркинлигини қарор топтириш, онгни билим ва маданият учун эркин қилиш керак.

Лекин **барибир, бизда ўз ўтмишимиздан воз кечиш учун сабаб йўқ.** Биз уни ўзимиз таҳлил қилишимиз керак. Бу бизнинг ҳуқуқимизгина эмас, вазифамиз ҳамдир.

КПССда буни англашга иқтидорли одамлар топилди ва бу уларнинг тарихий хизматидир. Партияда ва комсомолда буни англай олмайдиган ёки англашни истамайдиган кишилар қолаётган экан — бу уларнинг айбидир. Шу сабабли уларнинг обрўйи кўп жиҳатдан пасайиб кетмоқда, партияга ва коммунизмга қарши кайфиятлар ўсиб бормоқда. Фақат шу боисдан шундай бўлаётгани йўқ. Лекин бу нарса ҳам ҳалиги жараёнга сабаб бўлмоқда.

Олдинда КПСС XXVIII съезди. КПССнинг съездга аталган «Ҳаракат дастури» ва Устави лойиҳалари эълон қилинди. Бу — олға ташланган қадамдир. Лекин **жамият ва партияни янгилаш тарафдорлари ёшларнинг мададисиз ғалаба қозонолмайдилар: бусиз Коммунистик Ёшлар Иттифоқи ҳам мағлубиятга маҳкум эканлигига аминман.**

Мамлакатдаги бугунги аҳволни ҳам биз холисона баҳолашимиз керак.

Қайта қуришнинг «ҳаммага ёқадиган» романтик даври тугади. Ривожланиш мантиқи баъзи кишиларни «социализмга нисбатан нуқтаи назарни» қайта кўриб чиқишга, бошқаларни эса социализмни тамомила рад этишга олиб келди.

КПСС Марказий Қўмитаси, ҳукумат кўраётган тадбирларнинг ҳаммаси ҳам чуқур ўйланган бўлиб чиқмади. Уларнинг айримлари жамоатчилик фикрини ҳам, уларни бажаришлари керак бўлган кишиларни ҳам шошириб қўйди.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада сезиларли силжишлар бўлмади. «Пинҳона иқтисодиёт» корчалонлари, уюшган ва имтиёзли амалдорларни ҳисобга олмаганда ҳамманинг турмуши мушкуллашди.

Мамлакатни ижтимоий ва миллий можаролар ларзага келтирди, етишмовчиликлар қийнаб юборди, жиноятчилик ўсди. Сиёсатда ўз обрўсини ёқлаб фикр юритиш, муросаларга, бошқаларнинг нуқтаи назарини қабул қилишга тайёр эмаслик белгилари намоён бўлди.

Сиёсий майдонга янги кучлар чиқмоқда. Ишончини йўқотган, турмуш муаммоларидан тинкаси қуриган одамлар миясига жуда кўп ҳаракатномалар қуйилмоқда. Ҳаракатномалар бир-биридан деярли фарқ қилмайди. 15-20 та таклиф тўплаб, бу ҳаракатномаларни ҳар бир киши ҳам ёзиши мумкин. Уларнинг ҳаммаси мамлакат қандай бўлиши кераклигини эълон қилади, лекин нима қилиш кераклигини айтмайди. Асосий масала эса айни ана шу масаладир.

* * *

Ана шу барча ҳаракатномаларнинг битта хусусияти бор. Уларда ёшлар ҳақида ҳеч ким ҳеч нима, ёки деярли ҳеч нима айтилмайди.

Ёшларнинг аҳволи эса тобора ёмонлашиб борди. Менинг назаримда халқ депутати Федоров жуда яхши гапни айтди: «Ёшлар энг асосий ишни қилолмаётирлар — улар ўзлари учун мароқли ҳаёт яратолмаётирлар. Чунки мароқли яшаш учун моддий асослар — яхши квартира, чиройли машина, саёҳат қилиш имконияти, сени янги фикрлар билан бойитадиган ахборот воситалари керак. Биз уларга ҳеч нарса берганимиз йўқ. Фарзанд кўриш керак бўлганида, севиш ва севилмоқни истаган пайтда, саёҳат қилиш иштиёқи бўлган пайтда, одам кучга тўлган бир пайтда 120 сўм олади. У 500 сўмгача ҳақ олиши мумкин бўлган пайтда 60 ёшга бориб қолади. Унга энди ҳеч нарса керак эмас. Унга бир стакон қатиқ ва сурги дори бўлса бас».

Бу йўналишда жиддий қадамлар қўйилгани йўқ. Ҳукуматнинг оғир аҳволда эканлигини инобатга олганимизда ҳам яқинда ёш оилалар ва студентлар тўғрисида қарор қабул қилинганига қарамай мамлакат аҳолисининг чорагини ташкил қилувчи ёшларнинг талабларига эътиборсизликни ҳозирча бартараф этиш қийин бўлмоқда ва деярли бартараф этилмаганча қолмоқда, деб айтмасликнинг иложи йўқ.

Н. И. Рижков ҳукуматига нисбатан адолатли бўлайлик. Мамлакатни жар ёқасига бу ҳукумат олиб келгани йўқ. У ниҳоятда мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун курашмоқда. Ва энг муҳими уни танқид қилаётган кўпдан кўп танқидчиларни ҳақли ўлароқ таклиф этилаётган қарорлар учун масъулиятни ўз зиммасига олмоқда.

Лекин биз ундан ҳам, Олий Кенгашдан ҳам истиқболга қаратилган сиёсатни кутишга ҳақлимиз.

Биз ёшларнинг кўпгина муаммолари — бутун жамият муаммоларининг ҳосиласи эканлигини тушунамиз. Менимча, съезд КПСС, Олий Кенгаш ва ҳукуматнинг демократик социализмга тинч йўл билан, аста-секин ўтишини таъминлашга интилишлари тарафдори эканлигини айтса яхши бўлур эди.

Ёшлар мамлакатнинг истиқболи ҳақида ғамхўрликнинг каттагина қисмини, балки кўпроқ қисмини ўз зиммасига олиши керак, ҳатто унга бу ишни қилишга рухсат этмаганларида ҳам шу тариқа йўл тутиши лозим.

ЁШЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Ижтимоий тараққиёт одамларнинг эркинликка, демократияга, адолатга интилиши билан белгиланади. Ёшларнинг аксарияти шу йўлда ҳаракат қилмоқда. Ёшлар ҳаракати ёшларнинг ташкилотлари, бирлашмалари, уюшмалари хилма-хил бўлишига интилаверади. Янги сиёсий партияларнинг вужудга келиши улар билан мустаҳкам боғланган бир қатор янги сиёсий ёшлар ташкилотларини юзага келтиради.

Шу сабабли бизнинг мухолифларимиз бизларни ҳар қанча танқид қилмасинлар, ВЛКСМ хилма-хил мустақил ёшлар бирлашмалари ва ташкилотлари вужудга келишини қўллаб-қувватлаётганлигини тўғри деб ҳисоблаш керак. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг давлат ва умумиттифоқ мувофиқлаштирувчи ёшлар структураларини: ёшлар ишлари бўйича комиссия, СССР Ёшлар ташкилотлар қўмитасини тузишга; ёшлар сиёсати асосларини ва шунга мувофиқ қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга қаратилган куч-ғайратини тўғри деб ҳисоблаш керак.

Янги партиялар тузилишининг объектив равишда сустлашиб бораётганлигини, янги ёшлар ташкилотлари тузилишини ҳуқуқий нормалари ва унга давлат мададининг йўқлигини, шунингдек комсомол ёшларнинг ўзи учун кўнглига ёқадиган ташкилотни танлаб олиш ёки уни тузиш ҳуқуқини қўллаб-қувватламасдан ўзи демократиялаштира олмайди. Янгитдан тузилаётган демократик, социалистик йўналишдаги ташкилотларни дастлабки пайтларда бошқа жамоат ташкилотлари ва давлат билан биргаликда ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғри бўлур эди.

Мамлакатда ёшлар ҳаракатини қуйидагича тасаввур қиламан: ҳар томонлама ривожланиш имконияти. Уларнинг устун ва илдам характери, иштирок этиш кафолати Ташаббуснинг рағбатлантирилиши. Ривожланишни мақсад қилиб олган ёшлар ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, давлатнинг ёшларга оид кучли сиёсати. Ёшларнинг изланишлари ва хатоларига жамиятнинг муроса билан қараши.

(Давоми 2-бетда).

*КПСС Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг социологик тадқиқотлар маркази маълумотлари (шу йилнинг январь-февраль ойлари); М. Х. Титма раҳбарлигидаги коллективнинг «Авлод йўли» тадқиқотларининг маълумотлари (шу йил февраль-март ойининг бошлари).



Қизғин баҳслар давом этмоқда.



Суратчи: Е. БОТИРОВ.

ЧЕРНОБИЛЬ НАЖОТ КУТМОҚДА

Яна икки ҳафтадан сўнг асримиз фожиаларидан бири — Чернобиль ҳалокатига 4 йил тўлади. 26 апрелда Марказий телевидениенинг ана шу фожиали воқеага бағишланган бир суткалик узлуксиз кўрсатуви бошланади. Ҳа, вақт ўтган сайин Чернобиль дарди ўзлигини кўрсатмоқда. Унинг оқибатлари кўлами ниҳоятда аччинарли. Ана шуларни бартараф этиш учун эса бутун мамлакатнинг биргаликдаги ҳаракати зарур.

Белоруссия комсомолининг I жумҳурият конференцияси шуни инобатга олган ҳолда Иттифоқимиздаги комсомол ташкилотларига, барча меҳнат жамоаларига қарата мурожаат қабул қилди. Унда шу йилнинг 21 апрелида Чернобиль АЭСи ҳалокатидан жабрланганларга ёрдам жамғармаси учун Бутуниттифоқ шанбалигини ўтказишга даъват этилган.

Инқилобий анжуман давом этмоқда

МОСКВА. (Махсус мухбирларимиз Ж. РАЗЗОҚОВ ва Ҳ. АКБАРОВ телефон орқали хабар қиладилар).

Пойтахт ҳавоси ҳам съезд фаолиятига ҳамоҳанг — гоҳ булутлар орасидан қуёш мўралаcа, гоҳ бирданига ёмғир шаррос қуйиб юборади. Бугун ҳам шундай бўлди. Съезднинг иккинчи кунида эрталабки мажлисга делегат, Ўзбекистон ЛКЁИ МҚнинг биринчи котиби А. Носиров раислик қилди.

Съездда кун тартибидаги масалалар муҳокама қилинди. ВЛКСМнинг янги Устави ҳақида ҳамда комсомолдан сайланган СССР Халқ депутатларининг ахборотлари эшитилди. Делегатлар энди аввалгидек муросасозлик қилмаяптилар. Ҳар бир масалага, ҳар бир нотиқнинг гапларига жуда масъулият билан ёндашяптилар. Улар СССР Халқ депутатлари сессиясида ёшлар сиёсати кўриб чиқилганини баён этиб, ҳали ҳам навқирон авлодга муносабат жиддий тарзда ўзгармаганини айтдилар. Бир неча делегатлар ҳатто сессияга норозилик билдиришни талаб қилдилар.

Съездда жумҳуриятимиз делегатларидан биринчи бўлиб, Ўзбекистон ЛКЁИ МҚнинг биринчи котиби А. Носиров сўзга чиқди. (А. Носиров нутқи алоҳида эълон қилинади).

Бугунги мажлисда Е. К. Лигачёв, А. Н. Гиренко, Ю. А. Манаенков, Г. И. Усмоновлар иштирок этишди. Е. К. Лигачёв танаффус пайтида делегатлар билан бир неча марта мулоқотда бўлди. Айрим саволларга жавоб қайтарди. Фарғоналик делегатлар унга мурожаат қилиб, Совет армиясида рўй бераётган жиддий воқеаларни кўриб чиқиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, СССР Мудофаа вазири Д. Т. Язов билан учрашувни талаб қилиб чиқдилар.

Съездда яна бир қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Фавқулодда ўтаётган бу анжуманда Америкадан таклиф қилинган кекса журналистлар 80 ёшли Китти Уивд ва унинг турмуш ўртоғи Генри Уивд ҳам иштирок этишяпти. К. Уивд комсомолнинг учта съездида қатнашган ҳамда ВЛКСМ ҳақида бир нечта китоб ёзган. Биз билан учрашувда у шундай деди:

— Энди ҳаммаси тамом. Бошқатдан ёзмасам бўлмайди. ВЛКСМ ҳақидаги янги китоб батамом бошқача бўлади. Съезд ҳам буни исботлаб турибди. Ҳали бундай съездни кўрмаганман. Жиддий мулоҳазали, инқилобий...

ВЛКСМнинг XXI съезди Бутуниттифоқ радиосининг «Маяк» ҳамда «Юность» эшиттиришларида узлуксиз ёритилиб борилаяпти.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси биринчи котиби В. МИРОНЕНКО маърузаси

(Боши 1-бетда).

ВЛКСМ ВА УНИНГ МАҚСАДЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ВЛКСМ аввалига ёшларнинг бирдан бир ташкилоти, сўнгра «ҳаракатга келтирувчи» восита бўлиб, социалистик ғояни амалга оширишда партиянинг ёрдамчиси ролини бажариб келди, у ўз моҳиятидан маҳрум бўлиб, ҳамма одамлар ва ҳамма воқеалар бўйсуниши керак бўлган қатъий ақидага айлантирилганлигини сезмай қолди.

Иттифоқ ижтимоий ташкилот хусусиятларидан маҳрум бўлиб, узоқ яшаши мумкин бўлмаган тузумнинг бир қисмига айланиб қолди ва буни ҳозир яққол кўриб турибмиз.

Иттифоқ ичидаги зиддиятлар биз бундан уч йил илгари ўйлаганимиздан чуқурроқ бўлиб чиқди.

Хўш, вужудга келган вазиятда нима қилиш керак? Биринчидан, ўз мустақиллигимизни айтишимиз лозим. Бундан буён комсомол ўзининг бутун фаолиятини, ўзининг унча кўп бўлмаган маблағларини ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга бўйсундиради.

Янги ижтимоий тузумда ўз мақсадларини аниқ-равшан ифодалай олмайдиган, ўзининг фойдали эканлигини амалда исботлай олмайдиган, ўз социал базасини белгилай олмайдиган ташкилотга ўрин бўлмайди.

Иккинчидан, ВЛКСМ мамлакат истиқболини ҳимоя қилишдан иборат ўз фаолият майдонини белгилаб олиши лозим. Кимдан ҳимоя қилади деб сўрашлари мумкин. Тентакликдан ва калтабинликдан. Бугунги муаммоларни келгуси авлодлар ҳисобига ҳал этиш иштиёқидан. Энди биз устун жиҳатларни ўзгартиришга ҳамда «тарбиячилар»нинг ўзини — ҳокимият эгаси бўлган катта ёшдаги кишиларни тарбиялашга бошлашга уриниб кўрамиз. Локал бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатиб турибдики, улар тарбияга ёшлардан ҳам кўпроқ муҳтождирлар. Ҳар ҳолда ёшларнинг фикрини, уларнинг овозини эшитишни ўрганишга муҳтождирлар.

Учинчидан. **Истиқбол ёшларники, у бугун туғилади. Ленин унга ҳозирги ҳаёт ҳам керак.** Биз қилаётган ишларнинг ҳаммаси бош мақсадга — ҳар бир кишининг коммунизм даврида эмас, балки бугун эркин ривожланиши учун шароит яратиш мақсадига бўйсундирилиши лозим. Бизнинг социал базамиз — ёшлар ва аввало ёшларнинг бадавлат ота-оналарига умид қила олмайдиган ва ҳамма нарсага ўз қўл кучи билан эришиши керак бўлган ёшлардир. Уларга ижтимоий адолат учун курашувчи бақувват ёшлар ташкилоти ҳаммадан кўра ҳам кўпроқ керак.

Комиссия аъзолари, таъбир жоиз бўлса, комсомолнинг «учта банди»ни тузишда шунга амал қилдилар.

Бу ҳаракатнома эмас. Уни бепоён вазифалардан ҳамда барча ёшлар учун асоссиз, бизнинг зиммамизга юкланган мажбуриятлардан воз кечиш йўлидаги биринчи уриниш деса тўғрироқ бўлади.

Ана шу мўъжазгина ҳужжатда бош фикр бор. Унинг қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги съездга тақдим этилаётган қарорларга нисбатан бўлган муносабатга боғлиқ.

* * *

Комсомол — сиёсий партия эмас. Бу ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ташкилотидир. Менимча, бунда муҳим фарқ бор. Ҳар қандай ташкилотнинг программасида унинг яшашини асослаб берадиган муҳим ғоя бўлиши керак. **Бизнинг ташкилотимиз учун йигит-қизлар ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши ана шундай асосий ғоядир.**

Партия ва у билан битта ғоявий асосда турувчи ёшлар ташкилоти учун, умумий бўлган мақсад ёшлар иттифоқи учун бевосита ўз инсонпарварлик жиҳатларини намойиш қилади.

«Намуна ва андоза бўйича» тузилган бизнинг иттифоқимиз ана шу тафовутни пайқамай қолди ёки пайқашни истамади, натижада кўп нарсани нутқади. Ёшларнинг манфаатлари ва камолотини эътибор марказига қўйибгина олға бориш мумкин. Ҳамма нарсани ана шу мезон билан ўлчаш керак. Агар бу сиёсат, бу қонун, бу ижтимоий муассаса ёшлар камолотига хизмат қилса — унинг тарафдоримиз. Назар-писанд қилмаса, халақит берса — биз қаршимиз.

Демак, **«Коперник бурилиши»ни амалга ошириш керак. — инсон ташкилот учун эмас, балки ташкилот инсон учун, бинобарин унинг мақсадлари ва структураси инсон манфаатларини кўзлаб қайта қуриш керак.**

* * *

«Хўш ўзи нима бўлаяпти? Комсомол сиёсатдан четлашиб, ўз сиёсий йўлидан воз кечаяптими?» — деб сўрашлари мумкин. Сира ундай бўлаётгани йўқ. Инсон камолотининг дастлабки ва энг асосий шарти — эркинликдир. Барча ахборот манбаларидан эркин баҳраманд бўлмасдан, ўз фикрини ифодалаш, ижод қилиш, истиқомат жойини, фаолият турини танлаш эркинлигидан фойдаланмасдан ҳеч қандай ривожланиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

«Башарият оиласининг барча аъзоларига хос қадр-қимматини ҳамда уларнинг баравар ва ажралмас ҳуқуқларини тан олмасдан эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик бўлиши мумкин эмас, чунки бу ҳуқуқлар озодлик, адолат, умумий тинчлик асосидир. (Мен 1948 йилда қабул қилинган БМТ Декларациясидан кўчирма келтирдим).

Ҳар бир кишининг эркин ривожланишининг шарти — **адолат**, ижтимоий келиб чиқишидан, миллати, жинси, мулкий мавқеидан қатъи назар, билим, маданиятдан баҳраманд бўлишдир.

Виждон, йиғилишлар, ташкилотлар, матбуот эркинлиги — булардан ҳаммаси ҳам эркин ривожланиш шароитлари бўлиб, булар бир томондан комсомолнинг демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлашини, иккинчи томондан, онгда, иқтисодиёт ва сиёсатда сталинизм ва маъмуриятчилик сарқитларидан халос бўлишга интилишни белгилайди.

Комсомолнинг сиёсий позицияси социалистик ғояга асосланади, лекин ақида билан белгиланмайди. Бу позиция ижтимоий ҳаётга оид бенстисно барча масалаларни ҳал этишда қатнашиш зарурати сингари унинг бош вазифасидан — ёшларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги ғамхўрликдан ҳамда ўзини ривожлантириш, «ўзлигини намоён қилиш» имкониятларидан келиб чиқади.

Биз социалистик ва коммунистик ғоялардан воз кечмаймиз. Аммо биз унинг ривожланиши бирор кишининг доирасида тўхтаб қолган деб ҳисобламаймиз, биз тайёр ҳақиқатларни тарғиб қилиш билангина чекланмаймиз. Биз уни ривожлантириш қандайдир алоҳида ташкилотнинг, қандайдир конкрет кишининг ҳукмида деб тан олмаслигимиз керак.

Биз социалистик ғояни унинг узлуксиз ривожланишида, бутун башарият маданияти билан, инсоният тўплаган барча билимлар билан боғлиқ ҳолда қабул қиламиз.

Ўз ҳаётларини озод билим ва меҳнатга, маданиятга таяниб қураётган одамларнинг эркинлиги, адолати, ҳамкорлиги идеаллари — биз социализмни ана шу тарзда тушунамиз, бинобарин, буни янги бирлигимизнинг асоси сифатида таклиф қилиш мумкин бўлур эди.

Марказий Қўмита биз яшаётган замонага қарашларимизни, иттифоқнинг мақсадлари ва унинг тузилишини барча комсомолларга қарата чиқарилган Декларацияда умумий тарзда баён этишни таклиф этади. Мен шу Декларацияни ўқиб бермоқчиман.

ВЛКСМ XXI СЪЕЗДИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Сохта коммунистик ғоялар базаси остида кўп йиллар давомида шахсни таҳқирлаб келган якка ҳокимиятчилик системаси кўз ўнгимизда барбод бўлмоқда. Янгиликнинг эскилик билан тўқнашиши кучли ишлатиш, миллий можаролар, социал зиддиятларни келтириб чиқармоқда, буларнинг ҳаммаси мафкура ва сиёсатда қарашлар курашиши эканлиги яққол кўзга ташланмоқда. Жамият ақидапарастликни, ҳолоқ онгни қийинчилик билан бартараф этмоқда, оқилона демократик ҳаёт тузумига ўтиш йўлини излаяпти. Реал парламентаризм, кўп партиявийлик, маҳаллий ташаббускорлик кўп жиҳатдан иқтисодиёт вужудга келаётган, инсон ҳиссаси кескин ошаётган жамиятнинг марказида ўзгаришлар юз бераётир. Съезд делегатлари ВЛКСМ ҳар бир аъзосининг фикрини ифодалашга даъво қилмаган ҳолда, лекин иттифоқнинг бундан буёнги тақдири учун ўз масъулиятини англаган ҳолда **комсомолнинг асосий мақсади — барча ёшларнинг шахсини эркин камол топтириш учун шароит яратиш; ёшларнинг ўзига хос сиёсий-иқтисодий, ижтимоий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ифодалашдан иборат** деб ҳисоблайдилар. Бу билан биз инсонпарвар демократик социализм жамиятини қуришдаги ўз ўрнимизни белгилаймиз.

Комсомол бу йўлга қадам қўйиб, кўплар учун ноқулай бўлиб қолади. Чунки бу йўл сиёсий онгда ва сиёсий амалиётда илдиз отган тушунчани, яъни комсомолни «ҳаракатга келтирувчи восита» ва «содиқ ёрдамчи» деб тушунишни бартараф этиш, комсомолга ишончсизлик, унга истеъмолчилар муносабатини **бартараф этиш йўлидир**. КПССга ғоявий-сиёсий яқинлик сиёсий конъюнктура эмас, балки иттифоқнинг реал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия сиёсатини амалга оширишдагина иборат бўлмай, балки уни ишлаб чиқишда ҳам иштирок этишни тақозо қилади. **Янгиланиш мантиқи бошқа ҳар қандай йўлни ёшларнинг ўзига ҳам, иттифоқимизга ҳам, жамиятга ҳам кераксиз бўлган ва маҳкум этилган йўл деб билади.**

Иттифоқимиз ўзининг ҳозирги қиёфасида бу мақсадларни амалга ошира олмайди. Шу сабабли **ВЛКСМ** бугун ўзини **социалистик йўлни танлаган ташкилот, кенг демократик ҳаракатнинг** тенг ҳуқуқли иштирокчиси деб эълон қилиб, **туб ўзгаришлар палласига қадам қўяди.**

Қатъий белгилаб қўйилган поғонали структураларнинг қатъиян бартараф этилиши, бюрократизмни йўқ қилиш, мунозаралар эркинлигининг қарор топиши, мақсадлардаги бирлик, озчилик ва кўпчилик ҳуқуқларини ҳурмат қилиниши — иттифоқ янгиланишининг йўли ана шундай.

Бизга янги сифатдаги бирлик зарур.

ВЛКСМ ўз фаолиятини коммунистик идеалларни инсонпарварона, умумбашарий қадриятлар сифатида тушунишга асослаб, демократик моделга интилиб, ўз яхлитлигини ҳимоя қилиб, бирлашиш ва фаолият шакллари жиҳатидан мустақил, хилма-хил **федерация** йўналишида ривожланиб, ёшларни, унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини эътибор марказига қўяди.

Ташкилотимизнинг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи — демократик социализм тарафдори бўлган федерация сифатида таърифлаш зарур деб ҳисоблаймиз.

ИТТИФОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Агар биз аввало онгимизда «Коперник бурилиши»ни ясаб, съезд бунга розилик билдирса, шунга асосланиб ҳаракатномавий мақсадларимизни ҳам, иттифоқнинг ташкилий тузилишидаги янги принципларни ҳам етарли даражада изчил тузиб оламиз.

Ҳаракатномавий мақсадлар структураси учта асосий принцип негизида қурилган. Биринчиси — ёшларнинг сиёсий ҳаётда, жамият барча муаммоларини ҳал этишда иштироки. Иккинчиси — ривожланиш принципи бўлиб, бунда биз ҳукуматга, жамиятга ташаббусларимизни баён қиламиз ва айни пайтда биз ўз кучимиз билан амалга оширишимиз мумкин бўлган ҳаракатномаларимизни тақдим этамиз. Ва ниҳоят учинчиси — бизнинг фуқаролик сулҳига, муросага, ошкораликка эришишга, жаҳон маданиятидан, ҳозирги замон иқтисодий тафаккуридан баҳраманд бўлишга интилишимиз, бутун дунёдан ажралиб, якка яшашга воз кечишга, қандайдир ўзимизнинг алоҳида йўлимиз ҳақидаги бўлмағур тасаввурдан, бошқаларни улар қандай яшашлари кераклигига ўргатиш ҳуқуқидан воз кечишга тайёр эканлигимиздир.

Иттифоқимиз ўзининг бутун фаолиятини ривожланиш учун қўшимча имкониятлар яратишга қаратади. Унинг ўзи ҳам ўз моддий ва ташкилий воситаларини аъзоларига ҳам, барча ёшларга ҳам бериши ана шундай қўшимча имкониятлардир.

Ривожланишнинг йирик ҳаракатномаларини, масалан, ягона ижтимоий хизмат ҳаракатномаси, «XXI аср интеллекти» фонди, халқаро ёшлар айирбошлаш фонди тузиш сингари ҳаракатномаларни амалга ошириш учун маблағларни марказлаштириш, менинг фикримча, мутлақо зарурдир.

Мафкуралар, тиллар, анъаналарни ўзаро айирбошлаш ва ўзаро бойитиш йўлидаги ривожланиш мақсадларининг афзал мақсадлар сифатида англаб олиниши ва тан олиниши иттифоқни миллий ва социал белгиларга қараб парокандa қилишга қаратилган ҳаракатларга қарши тазйиқ авламоқда.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ТЎҒРИСИДА

Табиийки, бу масала кўпгина делегатларга тааллуқлидир, чунки уларнинг кўпчилиги партия аъзоларидир. Биз съезд жараёнида бугун (11 апрелда. — **ред. изоҳи**) эълон қилинган КПСС Марказий Комитети мактубини муҳокама қилишимиз ва унга ўз муносабатимизни ишлаб чиқишимиз мумкин. Лекин ҳозир КПСС билан ўзаро муносабатларимиз ҳақида, бу муносабатларни қандай тасаввур қилаётганимиз ҳақида гапирмоқчиман.

Ҳозир партия жуда мураккаб вазиятга тушиб қолган. Биз ақидапарастларга бирдамлик билдиролмаймиз, лекин бу узоқ вақтдан бери унинг мададига таяниб келган бизлар партия учун оғир пайтда ундан юз ўгиришимиз учун важ бўлолмайди. Бундай қилсак сиёсий принципсизликнинг энг ёмонини қилган бўлардик. Аксинча партия ички мунозарасига, партияни янгилашга фаол қўшилиш, унга янги ёш кучлар бағишлаш керак.

Биз иттифоқнинг мустақиллиги, барча масалалар, шу жумладан, сиёсий масалалар юзасидан ҳам ўз муносабатимиз ва ўз фикримизни айтиш ҳуқуқига эга бўлиш тарафдоримиз. Биз комсомолга раҳбарликнинг эскича усулларини тан олмаймиз. Бунда аппарат аппаратга раҳбарлик қиларди ва партия аппарати комсомол аппарати орқали иттифоққа раҳбарлик қилар эди. Лекин Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини сиёсий куч деб биламиз.

МИЛЛИЙ МАСАЛА ТЎҒРИСИДА

Иттифоқимиз учун миллий масала ғоят катта аҳамиятга эга.

Эътиқодли байналмилалчилар бўлиб қолиш билан миллий давлат тузумимизда, иқтисодиётда ва мушоҳада қилишда империяга оид қолдиқлар мавжудлигини эътироф этмаслигимиз, миллий уйғонишни табрикламаслигимиз мумкин эмас. Лекин биз учун миллий фавқулоддалик ғояси у кимдан келиб чиқишидан ҳам, қандай кўринишда бўлишидан ҳам қатъи назар маъқул эмас.

Миллатчилик, шовинизм — нобакорнинг сўнгги бошпанаси. Бу ҳар қандай халқнинг миллий маданиятини, анъанасини, ўзига хослигини сақлаб қолишга бўлган интилиши билан ҳеч қандай умумийликка эга эмас.

Иттифоқдош жумҳуриятлардаги бир қисм халқларда СССРдан ажралиб чиқишга интилишнинг юзага келиши сабабларини тушиниш мумкин. Уларнинг ҳар бири фақат чинакам суверенитетга, ҳар бир халққа ривожланишнинг энг яхши ва тўла тарзда имкониятини таъминловчи ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқига эга бўлишгина уларни табиий яқинлаштириш, иқтисодий интеграция маданиятларнинг ўзаро алмашиниши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Лекин объектив шарт-шароитларда яна қайта тиклаш учун ҳозир уни вайрон қилиш зарурми? Тенгсизликни туғдираётган ёки ривожланишда тўсиқ бўлаётган барча нарсаларни биргаликда бартараф этиш, ҳақиқатан тенг ҳуқуқли ва эркин жумҳуриятларнинг федерацияси афзаллигида умумий манфатлар йўлида тўла фойдаланиш яхши эмасми? Бизнингча айни мана шу йўлни таклиф этиб ва уни қўллаб-қувватлаш зарур.

Кимда-ким иттифоқимизни миллатга қарши куч сифатида тасаввур қилишга уринаётган бўлса, улар алдамоқда. **Биз ВЛКСМда ҳамиша ўзимизни, ўз миллий шаънимизни ва ҳуқуқларимизни тенг ҳис қилганмиз.**

КОМСОМОЛ МАТБУОТИ ТЎҒРИСИДА

Комсомол нашрларини қўмиталарнинг органларидан тегишли ташкилотларнинг органларга айлантиришга бўлган собит тенденция — нормал жараён бўлиб, у комсомол матбуоти асосига фақат путур етказмайди, аксинча: рўзномаларнинг муштарийлар билан, комсомол қўмиталарининг — ёшлар билан алоқасини мустаҳкамлайди.

Биз ҳозирча ёшлар матбуотига якка ҳоким эканмиз бу ҳақида ҳисоб беришимиз керак.Ноширлик фаолиятининг кенг ҳуқуқлари тўғрисида гапирадиган матбуот тўғрисидаги тайёрланаётган Қонун лойиҳаси қоғоз ва матбаанинг ўткир тақчиллиги шароитида кўпчиликнинг ўз матбуотини комсомол ҳисобидан олишга бўлган интилишини бартараф этмайди, аксинча кучайтиради.

Биз ёшлар ҳаракатида фикрларнинг хилма-хиллиги тарафдори бўлиб чиқиш билан бир хилликдан воз кечдик. Табиийки кейинги — қадам марказий нашрларимизнинг, кўпгина жумҳуриятлар ва вилоятлар рўзномаларининг саҳифаларида фикрлари, нуқтаи-назарлари комсомолга зид бўлган гуруҳлар, уюшмаларнинг ҳаракат дастурлари ҳам ўрин олиши табиийдир.

Съездга қуйидаги амалий қадамларни таклиф этиш мумкин бўлган бўларди, буни фақат таклиф сифатида қабул қилишларингизни сўрайман. «Комсомольская правда»нинг бош муҳаррири съездда тасдиқлансин. Унга таҳрир ҳайъатининг таркибини таклиф этиш топширилсин, таҳрир ҳайъатини тасдиқлаш ҳуқуқи эса Марказий Қўмита пленумига берилсин. МҚга шунингдек съездлар ўртасида муҳаррирлар сайлашга, таҳрир ҳайъати ва Марказий Қўмита Бюроси ўртасида юзага келадиган баҳсли масалаларни ҳал этиш ҳуқуқи ҳам берилиши керак.

Таҳрир ҳайъати кадрларни танлашда, ижодий жараённи юритишда мустақил бўлиши зарур.

Ана шу масала билан матбуот тўғрисида Қонун қабул қилинганидан кейин Марказий Қўмитанинг янги таркиби батафсил шуғулланиши зарур. Ана шунда бошқа барча нашрларимизнинг мақоми тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мумкин бўлар эди.

ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДА

ВЛКСМ ўзининг халқаро фаолиятини тез ўзгариб бораётган дунёда амалга оширмоқда. Мамлакатимиз томонидан эълон қилинган янгича сиёсий мушоҳада қилиш принциплари дастлабки сезиларли натижаларини бераяпти. Қарама-қарши туриш, иттифоқ тузиш ўтмишда қолиб, ўрнини дунёимиз яхлитлигини ва ўзаро бир-бирига боғлиқлигини англашга бўшатиб бермоқда. Ана шу соҳада содир бўлган Шарқий Европадаги воқеалар сиёсий кучлар мувозанатини тубдан ўзгартириб юборди. Халқаро ёшлар ҳамкорлигини амалга ошириш учун умуман мутлақо янги шарт-шароитлар юзага келди.

Мафкурамизни ва ривожланишимиз моделини экспорт қилиш эмас, балки ташкилот манфаатига йўналтириш халқаро ишларимизнинг моҳиятини ташкил этиши лозим. Ўзининг умуминсоний инсонпарварлик принциплари асосига эга бўлган ёшлар иттифоқи стратегик жиҳатдан ғоят кенг ранг-баранг сиёсий кучлар билан ҳамкорлик қилиш учун очиқ бўлиши лозим.

Халқаро фаолиятдаги туб йўналишлар, шубҳасиз, съезднинг қабул қиладиган қарорларига, иттифоқимиз қандай бўлишига, қандай ғояга интилишимизга боғлиқ бўлади. ВЛКСМ характеридан келиб чиқиб, ўзининг ҳаракатнома иш вазифаси сифатида эълон қилган социалистик истиқбол ўзанида, халқаро ёшлар ҳаракатида бизнинг яқин иттифоқчиларимиз унинг сўл жабҳасида жойлашган кучлар бўлиши лозим. Сўл кучларнинг, бирлигини мустаҳкамлаш социал-демократик ёшлар билан стратегик ҳамкорлигимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш йўли аввалгидек энг муҳим йўл бўлиб қолаверади.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида мураккаб, кўпдан-кўп оғир йўлни босиб ўтишига тўғри келмоқда. ВЛКСМ ўз вазифасини йигит-қизларга жаҳон умуминсоний цивилизациясининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга, унинг муваффақиятлари ва қадриятлари билан ошно бўлишга кўмак беришдан иборат деб билади.

Шу билан бир қаторда бизнинг майлимиз ва бирдамлигимиз ҳамиша озодлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашаётганлар тарафида бўлади.

ИТТИФОҚНИНГ НОМИ ТЎҒРИСИДА

Эндиликда биринчидан, иттифоқнинг номи тўғрисидаги, иккинчидан ВЛКСМнинг маблағи, у бугунги кунда эга бўлган ўша моддий база тўғрисидаги масала кўпроқ мунозараларга сабаб бўлаётганлигини назарда тутиш мумкин. Бу масалада биз ўз ўрнимизни белгилаб олишимиз керак.

Кўпчилик иттифоқнинг номини ўзгартириш, жуда бўлмаган тақдирда «Ленинчи Коммунистик» таърифидан воз кечиш тарафдори бўлиб чиқмоқдалар.

Кимда-ким ана шунинг тарафдори бўлиб чиқаётган бўлса, ўзининг асоси бор. Бу асос қуйидагилардан иборат. Ҳар қандай шахсни, ҳатто ғоят буюк бўлганни ҳам кўкларга кўтариш, бунинг устига-устак илоҳийлаштириш, шахсга, «бутга» айлантириш мақсадга мувофиқ эмас. Бу биз вилоятларни ва шаҳарларни номларини қайта қўйганимиз, кўчалар ва корхоналарни, конфет фабрикаларигача доҳийлар, буюк сиёсий арбоблар номи билан юритган давримиз учун характерли бўлган. Ана шу асосларга қисман қўшилмасликнинг иложи йўқ. Бироқ мазкур ҳолда иттифоқ номидаги Ленин номи биз учун — бу шунчаки ҳурмат бажо келтириш эмас. Ҳозирги вазиятда бу, эҳтимол 1924 йилдагига қараганда ҳам ҳатто катта аҳамиятга молик, ҳар ҳолда иттифоқнинг таърифи, моҳияти, унинг «казарма коммунизмга» эмас, балки демократияга ва «инсон қиёфасидаги социализмга» амал қилиш баёнотидир.

Биз Коммунистик Ёшлар Иттифоқи бўлиб қолаверамиз. Бизнинг сиёсий қиёфамиз мана шунда. ВЛКСМ — бу ақидапарастлик билан кескин алоқасини узган, ўз фаолиятини инсонпарвар ва умуминсоний қадриятлар сифатида коммунистик идеалларни англашга, демократик ва социалистик ғояларни, озодлик ва адолат диалектик бирлигининг ғоят изчил ифодаси ва ривожланиши сифатида асосланади. Биз ўз идеалларимиздан воз кечмаслигимиз ва уялмаслигимиз керак. Айни пайтда социалистик ғояни обрўсизлантирган сохта социализмдан юз ўгиришимиз зарур. Сиёсий конъюктурага берилиш ва «йўл кўрсатувчидан» сиёсий «малайлар»га айланиб қолиш ярамайди.

Биз иттифоқимизнинг номидан воз кечмаслигимиз керак. Бу у истиқболда ўзгариши мумкин эмас деган гап эмас. Лекин ҳозир энг асосийси номини ўзгартиришдан иборат бўлмай, балки ВЛКСМда содир бўладиган ўзгаришларни белгилаб олишдан иборат.

ВЛКСМНИНГ МАБЛАҒЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Биринчидан, бугунги кунда бутун ташкилотнинг мулки ҳисобланган аввало пул маблағларини бўлиш, парчалаш тўғрисидаги ғояни қабул қилиш мумкин эмас. Мураккаб вазиятда аъзолари ва ёшларнинг манфаати йўлида фаолият кўрсатиши учун ташкилотнинг маълум молиявий базасини сақлаб қолиш зарур. Йирик, иттифоқ ҳаракатномаларини рўёбга чиқариш учун маблағларни марказлаштириш зарур.

Иккинчидан, комсомол аппаратини сақлашга сарф-ҳаражатлар реал имкониятларимиздан келиб чиқиши лозим. Уларни жиддий қисқартириш зарур. Бюрократик деб аталмиш соҳалардан кишиларни — комсомол бошқарувларидан ёшлар марказларида, клубларида ва ҳоказоларида бевосита фаолият кўрсатишга йўналтириш, бошқа сўзлар билан айтганда, «хонаки иш услубидан» халос этиш зарур.

Учинчидан, биз мамлакатда кенг демократик ёшлар ҳаракати шаклланишини табриклаймиз, лекин комсомол ҳатто биз буни истаган тақдиримизда ҳам бу ҳаракатнинг ривожланишига маблағ ажрата олмайди. Нарсага реал қарамоқ ва кимда-ким ўзининг иттифоқларини ташкил этиш ниятида бўлган барчага шундай дейиш керак: ёшлар ҳаракатининг ранг-баранг бўлиши жиддий давлат маблағи ажратилишини тақозо этади, келинг ана шунга эришайлик.

Асосий маблағлар «Федерация жамғармасини» ташкил этади. У унинг барча аъзолари розилиги билан фойдаланилади. Янги уюшмалар ва бирлашмалар консенсус қарор қабул қилганда ажратилиши мумкин.

Марказий Қўмита тасдиқлайдиган смета бўйича марказий органларни маблағ билан таъминлаш амалга оширилади, у ўзаро ёрдам жамғармасининг ҳажмлари ва фойдаланилиши тўғрисида қарор қабул қилади.

Маблағнинг асосий манбаи аъзолик бадаллари ва барча даражадаги ташкилотларнинг жалб этилган маблағлари ҳисобланади.

Бутун Иттифоқ миқёсида фаолият кўрсатишнинг асосий принципи манфаатдор ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан, шу жумладан «Федерация жамғармаси» ҳисобидан маблағ ажратиладиган мақсадга йўналтирилган ҳаракатномалар бўлади.

Ана шу асосида ташкил топган мана шу мулкнинг бир қисми айрим аъзолар ёки ташкилотларнинг чиқиши кўнгилликка асосланади.

ВЛКСМ маблағлари, ёшлар матбуоти ва туризмининг асосий фондлари бўлинмас бўлиши лозим. Буларнинг барчаси комсомолларнинг кўпгина авлодлари томонидан яратилган ва барча ёшларга хизмат қилади. Ҳар қандай бошқа қарор қабул қилиш ташкилотнинг тугашига ёки уни ёшларнинг кўз ўнгида обрўсизланишига олиб келади.

* * *

Демократик социализм учун ривожланиб бораётган федерация сифатида ВЛКСМ — ташкилотнинг бугунги кун ҳақиқатига тўла жавоб берувчи кўринишидир. Биз кирувчи иттифоқларнинг, бирлашмаларнинг ва уюшмаларнинг Уставлари билан бир қаторда ўзимизнинг ҳам умумий Уставга эга бўлишимиз керак. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг тазъйиқи иттифоқда жумҳуриятлар тазъйиқи билан алмашишнинг реал хавфи бўлиши мумкин. Шунинг учун умумий ташкилий принципларсиз, бошланғич, базавий ташкилотларнинг, ВЛКСМ аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кафолат бермаслигимиз мумкин эмас. Шунинг учун умуман Устав қабул қилмаслик ёки фақат шартнома билан чегараланиб қолиш таклифларига қўшилиб бўлмайди.

Бизнинг янгиланган ташкилотимизда нодемократик, унитар, ақидапараст, экстремистик ташкилотлар бўлиши номатлубдир.

Шундай қилиб, қуйидаги амалий қадамлар таклиф этилади.

1. XXI съезднинг мамлакатда демократик ёшлар ҳаракатини ривожлантириш тўғрисидаги баёноти муҳокама қилинсин ва қабул этилсин.

2. ВЛКСМ — демократик социализм учун федерацияси — Декларацияси муҳокама қилинсин ва қабул этилсин.

Ана шу ҳужжат иттифоқ аъзоларининг ва ташкилотларининг ҳаракатномалари билан биргаликда ўз-ўзини белгилаш учун таклиф қилинсин.

3. ВЛКСМнинг янги Устави муҳокама қилинсин ва қабул этилсин ҳамда кейинги босқичларда зарур ўзгартиришлар киритиб, унга барча аъзолар ва ташкилотлар амал қилсинлар.

4. Марказий Қўмита ёки, эҳтимол, агар унинг вакиллар усулида шакллантириш ғояси қабул қилингудек бўлса, — ВЛКСМ Марказий Кенгаши тузилсин. Унинг раиси сайлансин. Марказий Кенгашга Бюро ёки федерациянинг Кенгашини тузиш топширилсин, раиснинг таклифи бўйича Марказий Кенгашнинг аниқ иш участкалари котиблари тасдиқлансин. Бу, фикримча, съезд амалга ошириши лозим бўлган ишнинг минимуми.

* * *

Ўртоқ делегатлар сизнинг қўлингизда фақат ВЛКСМ тақдиригина эмас. Съезд қандай қарорлар қабул қилишига мамлакатда ёшлар ҳаракатининг шаклланиши, ўз-ўзидан аёнки, ғоят мураккаб ва зиддиятли бўлган бутун мамлакат ва ҳар бир жумҳурият тарихидаги ўтиш даврида ёшларда ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш имконияти бўлиш-бўлмаслигига боғлиқ бўлади.

Ана шу таклифларни ёшлар ва иттифоқимиз олдида улкан масъулиятни англаган ҳолда съезд муҳокама этишини сўрайман, бу ҳар бир делегат зиммасига тушади.

Кейинги вақтларда ёшлар идеалларини йўқотиб қўйганликлари, нигилизм, руҳсизлик тўғрисида кўп гапиришаяпти. Бунда кўпгина ҳақиқат бор. Агар йигит-қиз «улуғ идеалларига» ва кишиларга эътиқодини йўқотган бўлса, у ўз-ўзига, бошқалар кўришни истаганидек киши бўлишга, ўз қобилиятига ишончни ҳосил қилишни синаб кўриши лозим бўлади. **Биз миллионлаб ана шундай йигит-қизларга ўз эътиқодлари, ўз истеъдодлари, бетакрорликларини тиклаш орқали кишиларга, улар ўз турмушларини оқилона ва адолатли ташкил этишларига ишонч ҳосил қилишларига ёрдам беришни истаймиз. Бу ҳолда жамиятнинг аниқ шакллари қандай бўлиши муҳим эмас, у ўз номи бўйича эмас, балки моҳияти юзасидан социалистик бўлади.**

Съездда айтилмаган гаплар

ДЕЛЕГАТЛАР БИЛАН МУСОҲАБАЛАР

Делегатлар кун бўйи анжуман иши билан банд. Кечга яқин гуруҳ-гуруҳ бўлиб «Россия» меҳмонхонасига қайтишади. Кимдир толиқишини ёзиш учун меҳмонхона атрофини, яқиндаги Қизил майдонни айланиб келади. Кимдир олисда қолган ёру-дўстларига сим қоққани ошиқади. Яна бошқа бировлар эса анжумандаги қизғин баҳсларни бежирим хоналарга кўчиришади. Ана шундай давраларда кўпинча биз ҳам иштирок этамиз. Чунки кўп суҳбатлар ва мулоқотлар делегатларимиз орасида «Ёш ленинчи» штаби» деб ном олган меҳмонхонанинг 11-қаватидаги бизнинг хонада бўлиб ўтади. Айтадиган гапи, юрагида дарди бор йигит-қизлар кўнгил ёзиш учун хонамизга ўзлари кириб келаверишади. Биз улардан қувонч ва ташвишлари, съезд тўғрисидаги илк таассуротлари, фикрларини сўраймиз.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган мусоҳабаларда делегатлар, шубҳасиз, ўз нуқтаи назарларини баён этишган. Бу фикрлар қайсидир маънода тўғри, нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Фикр ва дунёқарашларнинг тўғри ё нотўғрилиги зукко муштарийларимиз ҳукмига ҳавола.

Мамлакатхон ИСМОИЛОВА, Андижон вилояти, Хўжаобод ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг катта иқтисодчиси. Ноҳия комсомол қўмитаси аъзоси:

— Ҳозир бошланғич комсомол ташкилотлари асосан аъзолик бадалларини йиғиб, ноҳия қўмитасига топшириш билан шуғулланишяпти, холос. Ҳеч қандай мустақиллик йўқ. Бошланғичлар бирор тадбир ўтказмоқчи бўлишса, у ёқдан бу ёққа югуриб, тинкалари қурийди. Сабаби аён: ҳамёнда пул йўқ. Шунинг учун ҳам улар «арзон» нарсалар билан шуғилланишади. Бошланғичлар хўжалик ҳисобига ўтказилса, шаксиз улар фаолияти тубдан ўзгаради.

Яна бир масала — кадрлар масаласи. Тан олиш керак, бошланғичларда ишлайдиган комсомол ходимлари орасида ҳар томонлама етук, ишбилармон ёшлар жуда кам.

— **Съезд бошланди. Илк таассуротингиз қандай?**

— Бундай бўлишини сира кутмагандим. Худди СССР халқ депутатларининг I Съездида бўлганидай биргина ташкилий масалани ҳал этиш учун ярим кунлаб вақтимиз кетди. Ҳолбуки, олдинда ҳали комсомол Устави, Ҳаракатномаси лойиҳалари тўғрисидаги баҳслар, бу муҳим ҳужжатларни қабул қилиш масаласи турибди. Асосий вақтни шуларга сарфласак яхши бўларди. Истайсизми-йўқми съезднинг охирги кунлари кўпчилик сафар кайфиятида бўлади. Масалага жиддий ёндашув сусайиб қолади. Шунинг учун асосий ишни ҳозир қилишимиз керак.

Айримлар ВЛКСМнинг номини ўзгартиришни таклиф қилишяпти. Мен бунга қаршиман. Комсомол бундан кейин қандай ташкилот бўлиб қолиши, унинг аниқ вазифалари нималардан иборат эканлиги тўғрисида баҳслашиш, охир-оқибатда якдил бир қарорга келиниши зарур.

Ҳабибулла РАҲМОНБЕРДИЕВ, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах педагогика институтининг 3-курс толиби, вилоят комсомол қўмитаси бюроси аъзоси:

— Биз чинакам мутахассис бўлиб етишишимиз учун олий ўқув юртларидаги мавжуд шарт-шароитлар, моддий-техника базасининг ҳаддан зиёд ғариблиги катта тўсқинлик қилади. Гапни чўзмай мисолга ўтаман. Ҳозир олий ўқув юртлари у ёқда турсин, мактабларни ҳам компьютерларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Халқ хўжалигининг барча соҳалари компьютерлашаётган бир пайтда жумҳуриятимизда уни ўргатиш, ўрганиш қай даражада? Ғалати мисол: Жиззах вилоятидаги М. Горький номидаги 1-ўрта мактабда учта хона компьютерлаштирилган. Бизнинг институтда эса икки хона, холос. Ҳолбуки, ўқув юртимизнинг биргина кундузги бўлимида таҳсил кўраётган ёшларнинг сони ўша мактабдаги жами ўқувчиларга нисбатан уч марта кўп.

Бугунги толиб эртага дипломни олиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларига ишга боради. Олий ўқув юрти билан ўрта мактаб орасидаги оддий таққослаш толибларнинг билим савияси қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳаётда қуйидагича акс этмоқда. Ҳар йили юзлаб талабалар диплом иши ёқлайдилар. Олий маълумотга даъвогар бу ишларнинг атиги бир-иккитасигина ишлаб чиқаришга татбиқ этилади, холос. Қолганлари институт архивида «энг нодир асарлар» сифатида абадиятга маҳкум этилади.

— **Талабаларга моддий ғамхўрлик қандай?**

— Ёмон. Талабалик нафақасини яна бир карра чуқурроқ кўриб чиқиш зарур. Очиғини айтганда, оладиган нафақамиз нари борса 10 кунлик еб-ичишимизга етади. Шундай экан нафақа олмай ўқийдиганлар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Ижара нархи эса айрим раҳбарларимиз айтганидек, 10 сўм эмас, балки камида 25—30 сўмни ташкил этади. Мен жумҳуриятимиз Олий Кенгашининг навбатидаги сессиясида ушбу масала атрофлича кўриб чиқилиши ва адолатли тўхтамга келишни таклиф қиламан. Талабаларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари, бу тўғрида кенг ахборотга эга эмасликлари жуда ачинарли. Масалан, СССР Халқ таълим давлат қўмитасининг 565-сонли буйруғига (1989 йил) асосан талабалар деканатлар билан келишган ҳолда таълим фанларини, касбга ўқитиш йўналишини ўзлари мустақил танлашлари ва ўзлари истаган барча лекцияларда қатнашишлари, қониқтирмаган ўқитувчини бошқасига алмаштириш ва иккинчи курсдан бошлаб дарсларда эркин қатнашишлари мумкин. Афсуски, бундай ҳуқуқ ва эркинлик амалда умуман сезилмайди.


Мен съездга юқорида айтганимдек, 30 минг жиззахлик талаба истак-иродасини айтиш учун келган эдим. Бу ерда қийин аҳволга тушиб қолдим. Жумҳуриятимиз комсомол-ёшлари номидан кимлар сўзлаши кераклиги жумҳурият ташкилоти раҳбарлари ва вилоятлар ташкилотлари биринчи котиблари иштирокидаги «кенгаш» аъзолари тасдиқлаган рўйхат асосида белгиланар экан. Қолганлар ўз фикрларини мунозара марказларида гапиришлари керак эмиш. Съезд ишига ва жумҳуриятимиз делегатларига бундай муносабатни ҳазм қилолмаяпман.

(Ўз мухбиримиздан).

XX аср кундалиги

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

ХАВОТИР ВА СЕВИНЧ



Қурбон ЭШМАТ,

«Ёш ленинчи» рўзномасининг бўлим мудири.

Ўзига тўқ киши ўн тийин топиб олса шод бўладими ёки камбағал?

Албатта ночор киши. Чунки у ўшанга зор эди. Катта дунёли бўлди гўё. Бечора қўлини ҳавога кўтарганча қичқираверади. Пулим бор, пулим бор, деб.

Негадир пахтакорнинг аҳволини шунга қиёслагим келаверади. Чигит қадаб, ғўза ундирган деҳқоннинг қайси бири билан суҳбатлашсангиз оғзи қулоғида. Ҳар кило пахтага ўн беш-йигирма тийиндан ҳақ олганига шукр қилади. Уни-ку қўя турайлик. Қайси йиғин бўлмасин, албатта оширилган меҳнат ҳақи — ўн тийин ҳақида тўхталмасдан иложи йўқ.

Киши уялади бу ҳолдан. Баъзида хўрлигинг келади. Ўзбек деҳқони қулмас-ку! Арзимас чойчақа ҳисобига жони сўрилаверса. Уни жамоа, давлат хўжалигидан бездириб қўяётган омиллардан бири шумасмикин?

Икки сотих майдонда ул-бул экқан киши кўп даромад қиладими, ёки шунча ерга уруғ кўмган хўжаликми?

Сўзсиз деҳқон. Нега? Чунки унинг хўжаликдан моддий манфаатдорлиги паст. На маошини ёлчитиб олади, на бошқа нарсани. Келиб-кетиб, куни ўтса бўлди. Рўзғорда эса тамомила тескариси. Жонини бериб ишлайди. Бола-чақаси бор. Келин туширидиб, қиз узатмоқчи. Қанча юқори ҳосил ундирса шунча яхши. Меҳнатининг ҳақини юз фоиз олади. Маҳсулотни хуши тортган кишига, истаган баҳосида пуллайди.

Жамоа, давлат хўжаликларига аъзо бўлиш эса киши имкониятларини чеклайди. Эркин бўлолмайсан. Қора терга ботиб, меҳнат қилсанг бас, у ёғига ишинг бўлмасин. Хўжалик гўёки дарё. Фақат бир ёққа қараб оқаверади.

Унинг исботи. Илгариям бор эди, кейин ҳам бўлади. Ҳисобчиларнинг челак кўтариб, тухум йиғишлари. Авом халқ «бажонидил» — боласининг тишидан суғириб беришга мажбур. Йўқса боши балога қолади. Бу ердаги бир мантиқсизликка эътибор қилсак. Тухумнинг ҳар бир донаси деҳқондан беш, нари борса етти тийиндан олинади. Ўша маҳсулотни қўш қўллаб давлатга топширган соҳиб эртаси давлат дўконидан ўн тўрт тийиндан харид қилади! Нега энди шундай? Яна катта-катта минбарларда гапираверилади. Қишлоқ фаровонлиги ошяпти, деб. Шу тариқа юксалтиряпмизми уни?

Жиддий ўйлаш лозим бўлган яна бир муаммо бор. Аёнки, чорвадор мол боқиб, семиртириб, давлатга топширади. Арзон гаровга. Аммо ҳанузгача ўша чорвадор ёки унинг юртдошлари яшаётган қишлоқ дўконида гўшт сотилганмикин? Давлат баҳосида. Тасаввурга сиғдириш қийин.

Назаримда, қишлоқ аҳлининг аҳволи тубанлашаётган бир паллада жамоа, давлат хўжалиги идоралари давлатни зулукдай сўриб ётибди.

У ерда текинтомоқлар ҳаддан зиёд. Унинг исботи. Бобоқул Мирзаевнинг олти нафар боласи бор. Шаҳрисабз ноҳиясидаги «Москва» давлат хўжалигида ишлайди. Шофёр. Аммо эҳтиёт қисм йўқлигидан 7 ойдан буён бекорчи. Унинг турмуш тарзи билан қизиқдик. Оила аъзолари тамаки экиб, 400 сўм олибди. Яна 270 сўм даромадлари ҳам бор. Жаъми 670 сўм. У бир йилда жон бошига тақсимланса ойига 3 сўм 70 тийиндан тушади. Кунига эса 12 тийин!

Энди у нима қилади? Ўғриликми? Ёки халқни йиғиб, намойиш ўтказсинми?

Яна шундоқ гап бор. Қишлоқда шофёр бадавлат яшайди, деган. Мана унинг бадавлатлиги. Хўжалик дегани эҳтиёт қисм олиб бермаса, бoқа олмаса. Унга эҳтиёж борми? Айтмоқчи, ана шу элни бошқариб турган идорада юз йигирмадан зиёд киши маош олади. Уларга мукофот нақд. Планни бажармадинг, деб иш ҳақи қирқилмайди ҳам. Адолат тарозисининг бир палласига 120 текинтомоқ, иккинчи томонига фуқароларнинг йиллик даромадини қўйса, идора томоннинг салмоғи босади. Бу ёғини сўрасангиз хўжалик давлатдан томоғигача қарз. Ҳамёни пуч.

Бизга керакми шундоқ хўжаликлар? Йўқ. Ундан кўра бор техниками, ер у сувми, халққа бўлиб берилса, давлату аҳолиям бойимасмиди?

Шулар ҳақида ўйлаётиб яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон деҳқончилик саноати илғорларининг қурултойи эсга тушди.

Аввало бир фикр. Бизда беш, ҳатто ўн йилгача мўлжалланган планлар бор. Қишлоқ хўжалигидаям. Кейин айтилаверади. Фалон тонна дон, пахта, узум бермоқчи эдинг, қани деб. Бажармаслиги ҳеч гапмасда. Табиий офат бор, ёғин-сочин дегандек. Ёки чорвадорнинг зиммасига юклатилади. Ҳар бош сигирдан 3100 литрдан сут бериш. Мабода, говмиш касалланиб қолса нима бўлади? План барбод.

Шундоқ бўлгач қишлоқ хўжалигини қатъий планлаштириб бўладими? Йўқ. Планларга хомаки, деб қараш керак. У тахминий бўлсин. Йўқса юқори қиласан дейди, паст бажаролмайди. Икки орада бечора деҳқон эзилиб кетади. Қурултойда шундоқ гаплар айтилди. Камида 1,5 миллион тонна пахта толаси, 900 минг тонна дон, 4,4 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулоти, қарийб 1 миллион тонна сут, 370 минг тонна гўшт... Давлатга сотиш мўлжалланган. Бу мўлжалнинг бошида «кэмида» турибди-ю, бажармай бўлармикин?

Гали келганда айтмаса бўлмас. Ер ҳақидаги Қонун кучга кирди. Аммо бундан хавотирдаман. Озиқ-овқат ширкатидек расво қилинмасмикин бу иш. Негаки, айрим хўжаликларнинг айрим таъмахўр етакчилари ерни сотишаётганликлари қулоққа чалиняпти. Мабодо ўшалар пулга қизиқиб бутун тупроқни сотиб юборишса нима бўлади?

Эндигина ундай қиламиз, бундоқ бўлади каби ура-уралардан қутилаётувдик. Ўз-ўзимизни алдаб яшаш зерикарли экан. Бир вақтлар юз бош совлиқдан 180 бош қўзи ҳам олдик. Сигирлар кеча-ю, кундуз сут берди.

Вақт ўтгандан кейинми, эслаш кулгули. Бироқ, қурултойда яна шунга яқин гаплар бўлгач, ҳафсалам пир бўлди. Даволанишимиз оғир эканда. Йиғинда қилинган маърузадан сатрлар келтираман. «...Бу хўжаликлар чорва молларининг қисир қолиши ҳолларини бартараф этиб, пода боқишни яхшилаб, сўнгги йилларда муттасил ҳар 100 бош сигир ҳисобига 95-100 тадан ва ундан ҳам кўп бузоқ олмоқдалар».

Юз бош сигирдан 100 тадан ортиқ бузоқ олинса говмишларимиз эгизак болалаётган эканда? Кимга кераги бор бу алдоқчиликни? Бу билан қолганларни қўшиб ёзишларга чорламаяпмизми? Менимча шундай.

Ҳар тугул анжуманда кўнгилни хира қиладиган гаплар кам бўлди. Эсдан кўтарилаёзибди. Илгари биронбир анжуман ўтаётганини ер, об-ҳаво, сигир-қўйлар ҳам билишарди. Ер ўша куни бағридаги экинни бир

Худойберган Нуримовнинг номини Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг Элликқалъа ноҳиясидаги Калинин номли жамоа хўжалигида кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Ўзининг меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлиги туфайли у шундай эътиборга сазовор бўлган.

Худойберди хўжаликда авж олган экин-тикин юмушларини агротехника муддатларида ўтказишда фаоллик кўрсатишни ният қилиб қўйган.

СУРАТДА: механизатор Х. Нуримов.

Э. ҚОЗОҚОВ суратга олган.



қарич ўстирса, ҳаво илиб кетарди. Сигирлар эса 10-15 литрдан сут берса, совлиқлар эгизак қўзиларди.

Қурултойдан сўнг қувонганимниям айтай. У ерда бундай гаплар кам бўлди. Тушунчаларимиз, дунёқарашимизда янгиланиш сезилаётганлигини англадим. Асосийси, анжумандан сигирлар, қўй, товуқлар, бехабар қолишди. Улар томонидан ҳеч қандай рапортлар ҳам топширилгани йўқ. Инсон билан ҳайвонот ўртасидаги тафовут йироқлашганидан севинчдаман...

МАМЛАКАТИМИЗДА

ЭРТА КЕЛГАН ЁЗ



Тўлқин ҲАЙИТ,

«Ёш ленинчи» рўзномасининг мухбири.

«Мен замонанинг хароб бўлаётганини, фалокатга қараб тўғри кетаётганини кўриб турибман. Ҳақиқат одамлардан қочаётгандек, фойдали иш ва яхши сўзлар унутилиб, тўғри йўллар беркилаётгандек».

Мамлакатимизда рўй бераётган воқеаларга назар ташласак, буларнинг бари ростга ўхшайди. Аммо, юқоридаги сўзларнинг бундан 2 минг йил олдин битилганини билгач, ўйланиб қоламиз: инсон ҳамиша янглишиб келган. Аслида эса дунёнинг «ўн беши ёруғ, ўн беши эса қоронғу»дир.

Давр билан кишилик турмуштарзининг номутаносиблиги-ю ўтмишдаги алдовлар, кўзбўямачиликлар туфайли ишончга путур етиб, миллатлар ўртасидаги жанжалли воқеалар палласи бизнинг чекимизга тушди. Бу бахтсизликми?

— Йўқ, болам, бу бахтсизлик эмас, — дейди қўшнимиз, 80 ни қаршилаётган отахон. — Бугун биз дунёнинг «қоронғи ўн беш кунлиги»да турибмиз. Ақл-заковат билан иш юритиб, турмушимиздаги хато ва камчиликни тузата олмасак, ана унда бахтсизликка йўлиқибмиз, десак бўлади.

Ғалвир сувдан кўтарилгач, ҳаммаси ойдинлашади. Ҳозирча «сув кўрмай этикни ечиш», фалончи ёмон, пистончи яхши, дейиш кулгили ҳамда ноўрин бўлса керак. Лекин Иттифоқимизда шу кеча-кундузда содир бўлаётган воқеалар хусусида андиша билан сўз юритишнинг зиёни йўқ, деб ўйлайман. Бепарволик ҳам энг ёмон иллатнинг биридир.

Литва жумҳуриятидаги кескин ва мунозарали воқеа-ҳодисалар мамлакатимиз жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Гап мустақиллик ҳақида бораяпти. Тарихдан маълумки, мустақил бўлмаган давлат ҳеч қачон гуллаб-яшнамаган. Қисман бўлса-да, Иттифоқимиз таркибидаги жумҳуриятларга ўз тақдирларини ўзлари ҳал этиш ҳуқуқи берилди. Андозага солинган бу ҳуқуқдан фойдаланиб қолишга интилаётганлар бироз шошқалоқликка йўл қўяётганликларини ҳам кўриб турибмиз.

«Мустақил Литва Давлатини тиклаш» тўғрисидаги қонун ҳақиқий эмас деб топилгач, вазият анча кескинлашди. Шов-шувлар кўпайди. Украина ва Грузияда митинг ва намойишлар бўлиб, уларда ҳукуматдан мустақил Литва жумҳуриятини тан олишга қаратилган чақириқлар янгради. Демократия демократия ўйинига айланяпти, деган фикрда қолаётганлар ҳам йўқ эмас эди.

Литванинг мустақиллиги жаҳон жамоатчилиги мамлакатлари томонидан тез тан олинади деган гаплар ҳам пуч бўлиб чиқди. Дунё «совуқ уруш» васвасасидан қутилиб хотиржам яшамоқда. Совет Иттифоқидек катта ва кўпмиллатли мамлакатнинг таҳликали аҳволга тушиши ҳозирча сокин турган тинчлик денгизини жунбушга келтириши ва лойқалантириши мумкин. Чет элликлар айни ана шундай ҳолатдан ташвишга тушмоқдалар. Нотўғри қўйилган ҳаттоки бир қадам ҳам она ердаги ҳаётга зомин бўлиши ўзимизга ҳам аён.

Шу кеча-кундузда Грузиядаги аҳвол ҳам ғоят кескин бўлиб турибди. Литваликлар ҳар қадамда, ҳар қандай вазиятда тартибни сақлашга, босиқлик, хотиржамлик билан иш юритишга ҳаракат қилаётган бўлсалар, бу ерда унинг аксини кўраяпмиз. Норасмий уюшма аъзолари Тбилиси марказидаги В. И. Ленин ҳайкалини олиб ташлашга уринишди. Чохатаури қабасасида эса 200 га яқин киши ниятларини амалга оширишга улгурдилар.

«Кураш»ни бундай усулда давом эттиришни оқлаб бўлмайди. Ҳақиқий кураш ҳайкаллар билан эмас, ҳаётдаги иллатларни йўқотиш учун, халқ манфаати учун олиб борилмоғи керак аслида.

Айни кунларда Арманистон ва Озарбайжон чегараларида отишмалар давом этаяпти. Озарбайжон ССРнинг Қозоқ ноҳиясидаги Айрум Баганио қишлоғи аҳли уйларини тарк этишди. Бошқа жойларда ҳам аҳвол бундан ёмон. Тинчликни истаётганлар, беҳудага қон тўкилаётганини кўриб изтироб чекаётганлар давлат, ҳукумат қаёққа қараяпти, дея ҳайрон. Дарвоқе, ўртадаги низони бартараф этиш шунчалик қийинмикан?

Чернобиль даҳшати бизга сабоқ бўлди. У олдимизга янги-янги муаммоларни кўндаланг қўймоқда. «Ўлик» ерлар масаласи атрофидаги тортишувлар ҳамон давом этаяпти. Айрим олимларимиз бу жойларни Атом Бошқармаси ихтиёрига топшириш керак, деб ҳисобласалар, бошқалари бир-икки гектарини чет эллик олимларга ижарага бериш керак, деган таклифни ўртага ташламоқдалар. Яна бирлари у ердан тиббий дори-дармон олиш учун фойдаланиш зарур демоқдалар.

Йўл қўйилган ҳар бир хато биз учун қимматга тушаяпти. Куни кеча ўқидик: қишлоқлик бир кампир бош оғриғи билан врачга мурожаат қилди. У қишлоқ яқинидаги ўрмондан ўтин келтириб печкада ёқар экан. Текшириб кўрилганда дарахтларнинг радиоактив нурланганлиги маълум бўлган. Уларни энди ҳеч нимага — на ёғоч буюмларга, на қурилишга ва ҳаттоки ёқиш учун ҳам ишлатиб бўлмас эмиш.

Шимол халқлари съездининг чақирилишини мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири, деб ҳисоблаш керак. Кейинги йилларда Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ камсонли халқлари турли қийинчиликларга дуч келдилар. Ер бойликларидан палапартиш фойдаланиш оқибатида уларнинг турмуш-тарзлари, яшаш маромлари бузилди. Ана шундай чигал масалаларни ҳал этиш, ўз ерларининг ҳақиқий соҳиблари бўлишлари учун уларга катта имконият ва кенг йўл очиб берилди.

Шу гапларни ёза туриб, «Молодёжь Эстонии» рўзномасида босилган мақолага кўзим тушди. Унда муштарий А. Семенченко қуйидагиларни ёзади: «Ошкоралик, демократия, дея бонг урмоқдамиз, лекин, менинг назаримда, яшаш хавфли бўлиб қолаяпти. Менга сен «босқинчисан» дейишлари қаттиқ ботмоқда».

Оталаримиз хатоси бизни зор қақшатаяпти. Энди биз шундай йўл тутсак, эртангилар азият чекишади.

Назаримда, покланиш даври эрта келган ёз палласига тўғри келганга ўхшайди. Иссиқ қуёшнинг ўткир тиғлари бизни ҳар томондан куйдиряпти. Бундан таҳликага, ташвишга тушгандан кўра, эртанги кун, ажойиб

Баҳор... Бир қарабсизки, ҳаво очиқ: қуёш мўл-мўл нур сочиб турибди. Хўшбўй ҳидларга тўла ширин ва мусаффо енгил шабадалар қишнинг изғирин совуқларида қотган юзларни оҳиста силайди. Кўнгил яйрайди. Баҳор яхши, ажойиб фасл, деймиз беихтиёр энтикиб.

Баҳор ўртасини айтмайсизми! У нақадар гўзал ва жозибали. Шаҳар кўчалари ювилган, шаффофдек тоза. Енгил ва хўркамгина кийинган болалар мактабга югуришади. Сайёҳлар эса шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини мафтун бўлиб кўздан кечиришади. Севишганлар-чи! Севишганлар, дунёда ёлғиз ва танҳодек, ҳеч кимга эътибор бермай, худди мафтункор баҳор кунидек, очилиб, яйрашиб, кўчани тўлдириб ўтиб боришади.

В. ХРИСТОФОРОВ суратлавҳаси.

(ТАСС).



келажак учун курашиб яшамоқ варрроқдир. Чунки жазирама ўткинчи. Олтин куз, тўкин-сочинлик эса олдинда.

ХОРИЖДА

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА



Эркин ҲАЙИТБОЕВ,

тарих фанлари номзоди.

Март ойининг охири, апрелнинг бошлари СССР ташқи сиёсатида ҳам муҳим воқеалар бўлди. Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси А. Луканов СССРга сафар қилди. СССР Ташқи ишлар министри Африкага борди. Бу воқеа тарихий кунда — Намибия мустақиллиги эълон қилинган кунда бошланди. Маълумки, Африка қитъаси жануби-ғарбида жойлашган Намибия 105 йиллик мустамлака зулмини улоқтириб ташлаб, 21 март куни мустақил деб эълон қилинди. Унинг майдони 824 минг квадрат километр бўлиб, аҳолиси 1,5 миллион кишидан иборатдир. Шулардан 100 минги европаликлардир. Улар орасида Россиядан жўнаб кетган муҳожирлар ҳам бор. Намибия Африкадаги сўнгги мустамлака бўлиб, 1958 йилда ташкил топган Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО)нинг актив фаолияти натижасида, халқнинг қаҳрамонона кураши оқибатида мустамлака занжирини улоқтириб ташлашга муваффақ бўлди.

Бундан 30 йил муқаддам, 1960 йил Африкада мустамлака системасига қаттиқ зарба берилган эди. Ўша йили Африка харитасида мустақил давлатлар пайдо бўлди. Мана энди, ўттиз йилдан кейин Африка қитъаси охирги мустамлакадан ҳоли бўлди. Энди Намибия Нью-Йорк шаҳрининг БМТ жойлашган ҳашаматли биносида ўз байроғининг кўтарилишига муяссар бўлди. У БМТнинг 160-аъзоси бўлди. 21 март куни, янги мустақил Намибия ташкил топган куни СССР бу давлат билан дипломатик алоқа ўрнатганлиги эълон қилинди. Икки давлат ўртасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва элчилар алмаштириш тўғрисидаги қўшма баёнотни СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе билан Намибия республикаси ташқи ишлар министри Т. Бен-Гурираб Виндхук шаҳрида имзоладилар. Шундай қилиб, Намибия халқининг миллий озодлик курашига ҳамдард бўлиб келган, унга амалий ёрдам қўлини чўзган Совет Иттифоқи биринчи бўлиб ёш давлатни тан олди. Намибия давлатининг президенти қилиб Сэм Нуйома сайланди. БМТнинг Бош секретари Перес Де Куэльяр уни президент лавозимидаги Намибия конституцияси матни асосида тузилган қизил китобга қасамёдини қабул қилди. Шундай қилиб, Намибия халқининг ватанпарвар фарзанди Чафитун Сэм Нуйома ўз давлатининг ҳақиқий раҳбарига айланди.

Шундай қилиб, Намибияда мустақил давлат ўз фаолиятини бошлаб юборди. Унинг одимлари саодатли бўлишини тилаб қоламиз. Бу тарихий ҳолат жаҳон сиёсий ҳаётини ҳам анча жонлантириб юборди. Маълумки, ер юзида 200 та давлат ва географик номлар мавжуд. 70-йилларда 80 та давлат ва географик номлар мустамлака ҳолатида эди. Мана энди 40 га яқин номларгина озодлик, мустақиллик гаштини сургани йўқ. Африка қитъаси мустамлакачиликнинг охирги нуқтасини ҳам олиб ташлади. Европада Гибралтар, Хитойда Гонконг, Тинч ва Атлантика океанида бир қанча географик номлар озодлик кунини кутиб умид билан яшамоқда.

Хитой парламенти Осиёдаги Англиянинг охирги мустамлакаси Гонконг масаласини кўриб чиқишга киришмоқда. Маълумки, Хитой ва Англия 1984 йилнинг 19 декабрида Гонконгни мустақилликка эришиш масаласини кўриб чиқиб, 1997 йилнинг 1 июлидан Хитойни Гонконг устидан суверенитетини тиклашга келишилган эди. Аммо яқинда 85 ёшли Дэн Сяопин бу муддат догма эмас, уни ўзгартирса ҳам бўлади, деб киноя қилди. Демак, Хитой Гонконгнинг тезроқ озодликка эришишига интилмоқда. У ерда тез-тез таъкидланмоқдаки, биз қишнинг охиридамиз, баҳор эшик қоқмоқда. Ҳа, Гонконгнинг ҳам баҳори яқинлашмоқда.

Муштарийлар эътиборига кичкина ахборот бериб ўтишни ўринли деб ҳисобладик. Маълумки, Гонконг ёки Иняган Хитой ҳудудида, унинг шарқий соҳилида жойлашган. Унинг майдони 1066 квадрат километр бўлиб, 6 миллиондан ортиқ аҳолиси бор, унинг 98 фоизи хитойликлардир. 1842 йилдан бери Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлиб келмоқда. Бу 235 та турли оролчалардан иборатдир.

Ҳозирги кунда «Тинч дипломатия» давом этмоқда. Бу ишда Англия ва Хитой ҳам актив фаолият кўрсатмоқда. Денгизчиларнинг ибораси билан айтганда, «кучли тўлқинланиш тинчланди, аммо қора булутлар кучаймоқда, барометр нимани кўрсатар экан?».

Март ойининг охирлари СССР ташқи сиёсатида Африкага эътиборни кучайганлигидан далолат бериб турибди. Маълумки, биринчи бор СССР Ташқи ишлар министри тропик Африкага сафар қилди. 9 та Африка давлатида бўлди, унинг раҳбарлари билан музокара олиб борди. 27 минг километрдан кўпроқ масофа босиб ўтилди. Унинг якуни Нигерия пойтахти Лагос шаҳрида бўлиб ўтган матбуот конференциясида СССР Ташқи ишлар министри баёнотида қайд этиб ўтилди.

Қайта қуриш, янги сиёсий тафаккурлаш руҳи Африка қитъасига ҳам етиб борди. Бу ҳолат сафар чоғида яққол ифодасини топди. Бу, айниқса, Жанубий Африка Республикасининг президенти Ф. де Клерк билан суҳбатда сезилди. У ҳам ирқчилик ва апартеид маскани бўлиб келган ЖАР ирқчиликка қарши эканлигини таъкидлаб ўтди. СССР билан ЖАР раҳбарларининг мулоқоти давом этади. Бизнинг мамлакатимиз учун ёпиқ бўлиб келган Жанубий Африка Республикаси эндиликда эшигини очмоқчи, ҳамкорлик йўлига ўтмоқда. СССРнинг ЖАРга нисбатан тутиб келган сиёсатининг ўзгариши сабабларидан бири Африка халқлари озодлиги, эрки, мустақиллиги учун чинакам курашчи, ватанпарвар Нельсон Манделанинг 27 йиллик исканжадан озод қилинганлиги, унинг сиёсий фаолиятига рухсат берилганлиги, Намибиянинг озодлигини қўлпаши, фронтолди давлатлар билан нормал қўшничилик алоқаларини ўрнатишга ҳайрихоҳлиги борлиги сезиларли роль ўйнади. Лекин бундан ЖАР сиёсати бутунлай соғломлашибди, деб ўйлаш хато бўларди. Ҳали у ерда муайян кучлар, доиралар мавжудки, улар осонликча эски йўлдан, ирқчилик йўлидан воз кечмайдилар. Ўйлаймизки, эски фикрлашдан янги фикрлашга ўтишда, янги йўл, халқаро хавфсизлик, ҳамкорлик йўли ғалаба қилади.


СССР ва Хитой, СССР ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ҳам эътиборни ўзига жалб этади. Қувончлиси шундаки, Хитой билан муносабатларимиз янада яхшиланиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимиз Хитой Халқ Республикасининг бош вазири Ли Пэн бошчилигидаги олий даражадаги делегацияни кутиб олишга тайёрланмоқда. Шак-шубҳа йўқки, бу визит икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичга кўтаради, кенг кўламдаги ҳамкорликка асос солади.

Янгича сиёсий тафаккурлаш ҳар бир давлатга эҳтиром ва ҳурматни, унинг ички ишига аралашмасликни, дўстлик ва ҳамкорликни амалга оши-

«Мана бу расмларни биз чиздик!» Болаларнинг шодлиги бир олам. Расмларда ҳам ана шу ҳис акс этган. Улар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига ҳамоҳанг. Болалик шундай: у доимо қувноқ.

СУРАТДА: Пешера шаҳридаги Диляна Димитрова номли болалар боғчасида тарбияланаётган болалар.

«София-Пресс»



ришни тақозо этмоқда. Ҳозирги СССР учун қийин бўлган пайтда сувни янада лойқалатиш учун ҳаракат қилиш, «совуқ урушлар» дипломатияси имкониятидан янги шароитда яна фойдаланишга уринишдан бошқа нарса эмас.

Умидимиз каттаки, партиямизнинг XXVIII съездига тайёргарлик, демократияни кенг кўламда ривожланиши, мамлакатда тартиб ва масъулиятни янада ошириб борилиши, СССРни ҳам ҳозирги оғир аҳволдан олиб чиқиши, халқларимиз руҳини тетиклаштириши, маънавий ва моддий фаровонлигини оширишга олиб келади, халқаро майдондаги мавқеи тикланади. Бунинг қанчалик тўғри эканлигини вақт кўрсатади.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Янги шеърлар

Буйруқ

Буюринг!
Буйруқларга
яралган халқмиз,
Буйруқларга ўрганган
халқмиз.
Буйруқларни
бажараверib,
юрак-бағри
ўртанган халқмиз.
Тақдиримиз —
фармонлардадир,
«Ўтмиш» деган
армонлардадир.
Ҳақиқат деб
оғиз тўлдириб,
Мақталган ул —
ёлғонлардадир.

Пуч ёнғоқ

Анча шақиллади
Думалоқ,
силлиқ,
пуч ёнғоқ...
Кўпларнинг қўйнини
тўлдирди,
Кўпларни жоидан
тўйдирди.

Энди катта йўлнинг четида
синган икки палласи —
Гўё мунофиқнинг бўм-бўш
калласи —
Каби ётибди, ҳайҳот!
Бу — ўша,
Бир вақтлар дабдаба,
дағдаға, шовқин кўтариб,
Кўпларни кўксидан итариб,
Миясида чақилган ёнғоқ.
Мана, энди бўлса,
ташландиқ ПЎЧОҚ!

Гул фасли

Гул фасли, санам васли,
Дилларга наво берди.
Қирларда ёниб лола,
Кўкламдан садо берди.
Яйрашиб учиб қушлар,
Ҳар кимса дилин хушлар,
Наврўзи олам бу дам
Хушбўйли ҳаво берди.
Яппизда ажойиб ис,
Гулларда ёниқ бир ҳис,
Силкитиб дарахтларни
Боғларга оро берди.
Шафтоли зирак тақди,
Нозланиб, кулиб боқди,
Интиққан нигоҳларга
Гўёки зиё берди.
Қиш чоғи толиққан дил
Бир хаста каби дардчил
Боққанда нажот истаб,
Дардига даво берди.
Ҳасратда қолиб улсиз,
Соғинган эдиқ, Гулқиз —
Кўрсатиб висолини,
Гул берди, ибо берди...
Боғларга оро берди.

Наримон ОРИФЖОНОВ.

ОҚИЛЛИК ВА ЗУККОЛИК БАЙРАМИ

Пойтахтдаги 12-ўрта ҳунар-техника билим юртида ўзбек тили ва адабиёти фанидан олимпиада бўлиб ўтди. Олимпиада «Муқаддас она тилимиз буюк маданиятимиз калитидир» мавзусига бағишланиб, унда Тошкент шаҳри ҳунар-техника билим юртларининг талабалари қатнашдилар.

Олимпиаданинг юртимизда баҳор нафаси уфуриб турган, бутун борлиқ уйғониб, кўркам либосга бурканаётган ва кишилар қалбида «Наврўз байрами» арафасининг шодиёнаси жўш уриб турган кунларда ўтказилиши билим юрти талабаларининг кайфиятида жилоланиб, уларнинг табрик сўзларида мужассамланган эди.

Муяссар Пўлатова, Нигора Фозилова, Муҳиддин Тошев, Бахтиёр Миноваров, Беҳзод Рўзматов сингари талабалар она тилимизни улуғловчи, миллий адабиётимиз ва маданиятимизни мадҳ этувчи дил сўзлари ва қувноқ қўшиқлари билан олимпиада иштирокчиларини қутладилар.

Беллашувга келган талабалар «Катталарни ҳурмат қилиш — бурчимиз», «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат», «Мен севган касб», «Она тилим — маънавий бойлигим», «Ҳунарим соз — юраман ғоз» сингари эркин-ижодий мавзуларда ўзларининг ёзма нутқ малакаларини синовдан ўтказсалар, адабиёт назариясидан олган билим ва кўникмаларини, тасвирий санъат асарлари юзасидан фикр ва мулоҳазаларини, наср ва назмдан қироатхонлик қобилиятларини оғзаки намойиш этадилар.

Шаҳар олимпиадаси ғолиблари апрель ойининг биринчи ярмида Самарқанд шаҳрида жумҳурият миқёсида ўтказиладиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг III олимпиадасида барча вилоятларнинг ғолиблари билан зукколик, фозиллик ва оқилликда куч синашадилар.

Азиза ИБОДИЕВА,
халқ таълими вазирлигининг жумҳурият ўқув-методика марказн катта методисти.

Ўқувчилар ҳузурида

Тошкентнинг Октябрь ноҳиясидаги Ойбек номли 115-мактаб қошидаги драма студияси уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Унга ёш театршунос Фарҳод Файзиев раҳбарлик қилаётир. Драма студияси ҳаваскорлари энг яхши асарларни саҳналаштиришга, уни ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилишга эришмоқдалар. Ўтган йили студияда таниқли ёзувчи Владимир Тендряковнинг «Хайрлашув кечаси» қиссаси асосида спектакль яратдилар. Яқинда бу асар ўқувчилар ҳукмига 40-маротаба ҳавола қилинди.

«Хайрлашув кечаси» асари Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчиларигагина эмас, Оҳангарон, Оққўрғон, Паркент, Жиззах вилоятининг Бахмал ноҳиялари мактабларида ҳам намойиш этилди. Спектаклдаги асосий ролларни юқори синф ўқувчилари Ғулом Набиев, Латофат Жалилова, Ғаффор Ҳошимов, Акмал Парпиев ва бошқалар ижро этмоқдалар.

Драма студияси қатнашчилари яқинда бепул йўлланма билан Москва, Киев ҳамда Житомир шаҳрининг адабиёт ва санъатига оид тарихий обидалар билан танишиб қайтдилар.

Музаффар МИРЗО ўғли.

Илм ва устозлар ҳақида

Донолар дермишларким, дунёда инсон учун тўртта лаззат бор. Лаззатли овқатлар емоқ. Ташна бўлганда чой — сув ичмоқ. Никоҳ лаззати. Яхши насиҳатларни эшитмоқ.

Мазкур тўртта лаззатларнинг учтасига ҳаракат, заҳмат, машаққатлар бирла эришилур.

Эшитмак лаззатига ҳеч қанақа машаққат керак эмас. Фақат сабр-тоқати билан оқиллар, устозлар сўзини эшитмак зарур. Оқиллар, устозларнинг насиҳатгўй сўзлари келажакда сизларга доим керакдир.

Илм олиш фақат фаҳм-фаросат билан тинглашга боғлиқ.

Донолар айтадур:
Илмдан яхши хазина бўлмас,
Қўлингдан келгунча керилмасанг бас.
Илм бойлигига тўймайди одам,
Камаймас бошқага қанча берса ҳам.

Аллома ибн Собит дейди:
Отам-онам ер юзига келтурди мени,
Устадим мени осмонга парвоз айлади.

Яъни ёшликда бир қуруқ ёғоч эдим, устозим мени илм-маърифат суви билан суғориб мевали дарахт айлади, — демиш.

Шунинг учун ҳам устозларни ота-она қаторида ҳурмат айламак зарур.

Тўпловчилар:
Х. ҚОРАБОЕВ,
А. НАБИХУЖАЕВ.

Тарихимизни ўрганамиз

ЧОРСУ

Яқинда Тошкент шаҳар атамалар комиссиясининг тавсияси билан «Москва» меҳмонхонасининг номи «Чорсу» деб ўзгартирилди. Мухбиримиз ана шу жой номи тарихини шарҳлаб беришни ЎзССР ФА Шарқшунослик институтининг илмий ходими, тарих фанлари номзоди, жумҳурият атамалар комиссиясининг аъзоси Омонулла БЎРИЕВдан илтимос қилди.

Чорсу — Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиёда қадимдан шаҳар қурилишидаги энг муҳим қисми — унинг маркази бўлган. Илк ўрта асрда Ўрта Осиёдаги кўпгина йирик шаҳарлар (Марв, Бухоро, Тароз, Исфижоб ва бошқалар) квадратсимон услубда қурилган ва унинг ҳар томонидан биттадан дарвоза ўрнатилган. Археолог олимларимиз Ўрта Осиёда тўртбурчак шаҳар қуриш услуби антик даврда ҳам борлигини қайд этдилар. Ундан тўрт томонга, тўрттала дарвозага йўл чиқарди. Шу сабабдан шаҳар маркази Чорсу (форсча «чорсу» — тўрт томон) деб аталган.

Кейинчалик шаҳар қурилиши такомиллашиб, унинг деворларида дарвозалар сони уларга йўналган йўллар ҳам кўпайган бўлса-да, бироқ шаҳарнинг туташган маркази, Чорсу аталиш анъана бўлиб қолаверди. Чорсу Ўрта Осиёда (яна бир қанча Шарқ мамлакатларида ҳам) шаҳар меъморчилигининг ажралмас бир қисмига айланган эди. Бозор ҳам шу ерда бўлган.

Араблар ҳукмронлиги даврида, ундан кейин ҳам Чорсу тушунчаси сақланади. Ҳатто бу кейинги асрларда (айниқса XV асрда) шаҳарлар сони кўпайганда анча кенгайди ва йирик, савдо маркази ҳам Чорсу деб аталгани, баъзи ҳолларда эса битта шаҳарда икки жойда Чорсу бўлганлиги ҳам манбаларда қайд этилган. Дарвозалар ҳам Чорсу деб аталган (шаҳар маркази — Чорсу).

Масалан, Абу Исҳоқ ал-Форисий ал-Истахрийнинг (X аср) ёзишича Нишопурда ўша даврда иккита Чорсу — Катта Чорсу ва Кичик Чорсу бўлган.

Араблар Ўрта Осиёни забт этганда «чорсу»ни арабчага таржима қилиб муроббаъа (квадрат) деб ҳам атаганлар. Атамада буни «калька» яъни ўз маъносида таржима қилиб бериш демакдир. Бироқ бу калька маҳаллий халқ талаффузига сингмади ва тез орада унут бўлди. Худди ўша замонларда «Чорсу» атамасига арабча «сўқ» сўзи қўшилиб «Чорсўқ» атамаси пайдо бўлган. Сабаби, Чорсу одатда шаҳарнинг савдо маркази ёки маркази бўлган. Арабча «Сўқ» — бозор демакдир. Атаманинг Чорсу (ёки Чаҳорсўқ, Чорсўқ, шакли ёзма манбаларда маълум муддатгача сақланиб келди (XVI асрда) ҳам учрайди).

«Чорсу» атамаси билан бўлган бундай ўзгаришлар тасодифий ҳол эмас. Ўрта асрларда Шарқнинг, жумладан, Ўрта Осиё шаҳарларининг роли кўпроқ уларнинг савдо аҳамияти, айниқса халқаро савдодаги ўрни билан белгиланган. Чорсунинг дастлабки, шаҳар маркази, деган мазмуни шаҳарнинг савдо маркази, деган тушунча билан уйғунлашиб кетган.

Энди Тошкентдаги Чорсу ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳозирги ўрнида худди иш жойда пайдо бўлган шаҳар (Бинкат шаҳри) дек қадимийдир. Ва шаҳар меъморчилигининг асосий қисмини ташкил этган. Ўрта Осиёнинг бошқа кўпгина шаҳарлари каби Бинкат (Тошкент) ҳам дастлаб тўртбурчак шаклда қурилган ва шарқдан ғарбга ва шимолдан жанубга йўналган марказ — Чорсуда кесишган. Асрлар давомида чор тарафдан — Чину-Мочин, Ҳиндистон, Эрон, Дашти қипчоқ каби ўлкалардан савдо карвонлари қўнғироқларини жаранглатиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб Тошкент дарвозалари орқали кириб келиб, ана шу Чорсу майдонида тиз чўккан. Савдогарлар ундаги карвонсаройларга жойлашиб, дўконларда мол савдо қилганлар. Чорсу Тошкентнинг дунё аҳамиятига молик савдо маркази бўлган. У ҳозир ҳам ўзининг қадимий мазмунини йўқотгани йўқ.


Қадимий Чорсу майдонида қурилган меҳмонхона маълум вақт «Москва» деб аталиб келди. Бунинг ҳам ўзига хос тарихи бор, уни майдоннинг номи билан Чорсу аташ тўғрисида кўпдан буён айтиларди. Жумҳурият атамалар комиссиясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Тошкент шаҳар атамалар комиссиясининг ходими Дилмурод Саидовнинг таъкидлашича меҳмонхона лойиҳа бўйича аслида «Чорсу» ёки «Осиё» аталиши керак экан. Кекса олим ва жамоат арбоби Сулаймон Азимов бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Меҳмонхона қурилаётган эди. Унинг атрофини ўраган тахта деворга «гостиница Москва», деб ёзилган экан. Ўшанда мен ижроқўмга ҳам бу жой Чорсу эканлигини айтганман. Афсуски, сўзларим тошга сепган сувдай бўғланиб йўқ бўлди. Эшитишимча, меҳмонхонани «Москва» деб аташ ўша пайтда «юқори»дан тавсия қилинган экан.

Биз, Тошкент икки минг йиллик тарихга эга, деймиз. Айтингчи, агар ана шу тарзда шаҳарнинг тарихий номларини йўқотаверсак, унинг қадимийлигини нима билан исботлаймиз?! Эҳтимол баъзилар, «Чорсу» майдони, ёки «Чорсу» метро бекатлари номлари борку, дейиши мумкин. Аввало шуни унутмаслик керакки, халқ қуриб турганини айтади. Майдон ўртасига «Москва» меҳмонхонаси», деб ёзилган бўлса-ю, сиз у ерда туриб, халойиқ бу ер Чорсу, — деб аюҳаннос солсангиз ҳам бирор киши қайрилиб қарамайди. «Чорсу» метро бекати номи эса асл Чорсудан анча узоқда, метродан чиққанлар Чорсуга эмас, балки, «Октябрь» бозорига чиқишади.

Шу сабабдан, «Чорсу» атамасининг асл ўрнида тикланиши Тошкентнинг тарихий жой номларини шаҳарнинг бугунги кўринишида акс эттириш борасида қилинаётган ишлардан биридир. Биз тарихий атамаларни тиклаш ишини мунтазам олиб боришимиз зарур.



Циркда...

Суратказш: А. ЗУФАРОВ.

Меъморлар кенгаши

Кўҳна ва навқирон Бухорога баҳор келди. Ота-боболаримиз томонидан яратилган тарихий обидалар нақшлари қуёш нурида ажиб товланади. Ўзига хос миллий тусда яратилган бу обидалар ансамбли эҳ-ҳе, қанча одамларни лол қолдирмаган дейсиз.

Ўтган йили саксон ёшида Ўзбекистонга биринчи бор келган таниқли француз меъмори Пьер Вого Бухоронинг мафтуни бўлиб қолди. Шунинг учун у бу гўзал шаҳарга жаҳоннинг барча меъморларини тўплаб кенгаш ўтказиш ғоясини ўртага ташлади. Унда иштирок этганларнинг ҳар бири обидаларни сақлаш, шаҳарни янада гўзаллаштириш борасида ўз фикр-мулоҳазасини айтиши назарда тутилади.

Пьер Вагонинг номи тараққийпарвар кишилар халқаро ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири сифатида ҳам яхши билишади. Унинг ташаббуси билан қирқинчи йилларда халқаро меъморлар уюшмаси тузилганди. Унинг ўзи 25 йил ана шу уюшмага президентлик қилди. Бундан ташқари ўн йиллар мобайнида Парижда чиқадиган «Замонавий меъморчилик» журналидасига муҳаррирлик қилди.

Бухорода ўтадиган меъморлар кенгашига 21 мамлакатдан 31 ёш меъмор қатнашиш истагини билдирди. Совет меъморларидан иштирок этадиган ўн нафар вакилнинг 5 нафари жумҳуриятимиздан. Унда меъморчилик халқаро академиясининг академик кенгаши президенти Георги Стомлов (Болгария)нинг қатнашиши катта воқеа бўлиши шубҳасиз.

Бу кенгашни ўтказишдан асосий мақсад Бухоро обидаларини таъмирлашда амалий ёрдам уюштиришдан иборат. Халқаро меъморлар академияси томонидан жаҳон меъморлари иштирокида ишлаб чиқиладиган «Бухоро ўтмишда ва ҳозир» лойиҳаси сўзсиз бу ерда қадимий обидаларни таъмирлаш, чиройни янада ошириш ва ҳозирги қурилишларни намунали амалга оширишда кўмак беради.

Кенгаш туфайли шаҳар тарихда биринчи маротаба кенг миқёсда ривожланиш программасига эга бўлади. Бу эса шаҳар ҳаёти, фаолияти давомида энг катта воқеадир. Кенгаш тугагач, Ўзбекистон Меъморлар уюшмасида халқаро кенгаш вакиллари лойиҳалари кўргазмаси ташкил қилинади.

Шубҳасиз, бу кенгаш шаҳар тараққиётига янги қадам бўлишдан ташқари жаҳон меъморлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

М. ОБИДЖОНОВА.

«Жонкуяр» депутат

(Ҳажвия)

У депутатликка ўз номзодини қўйди. Ишни сайловчилар билан учрашувлардан бошлади. Стадионга бориб, ўйиннинг танаффус пайтида, ўзининг қилмоқчи бўлган ишларини гапира кетди:

— Мабодо бахтим чопиб, сайланиб қолгудек бўлсам, аввало қиладиган асосий ишларимдан бири — бу вилоят футболини ривожлантириш бўлади: Стадион жаҳондаги энг катта стадионлардан бирига айланади. Унга камида 200-230 минг томошабин сиғадиган бўлиши керак. Ўриндиқларнинг барчаси юмшоқ креслодан бўлиб, ҳар бир қаторга ёзда шабада юргизадиган, совуқ маҳалда иситиб берадиган аппаратлар ўрнаттираман. Энг асосийси — ўйинларга бепул кириб, ҳордиқ чиқариб қайтасизлар.

Командангларда шунақа зўр шароит бўладики, бу йил 1-лигага, кейинги йил эса сайланиб қолгудек бўлсам, олий лигага чиқиб олади. Яна, сайланиб қолгудек бўлсам, америкалик раҳбарлар билан келишган ҳолда 1994 йилги жаҳон чемпионатини ўзимизга кўчиртираман... Марадона, Гуллит, Ван Бастенлар «Бизнинг командага олинглар», — деб ялиниб юрадиган бўлишади.

Кейин колхозчи сайловчилар билан учрашди:

— Азиз биродарлар! Агар менга сайланиб қолиш насиб этса, энг биринчи қиладиган ишим колхозчи азаматларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш бўлади. Мен, сайланган йилимоқ, ҳамма хонадонларни газлаштириб, телефонлар туширтириб бераман. Экин экиладиган ерлардан ташқари ҳамма жой, ҳовлиларгача асфальтланади, машина, ер ва ҳоказолар учун навбатда турганларнинг ўша йилиёқ ҳожати чиқарилади.

Ёшларга кўплаб дам олиш масканлари бўлади. Фақат ёшларни эмас, кексаларни ҳам эсдан чиқариб қўймаймиз. Меҳмонларга масжид ва чойхоналар очдирамиз. Транспорт қатновиям тубдан яхшиланади. Шаҳар ҳамда бригада, маҳаллаларга қатнайдиган ер ости метроси қурдираман. Поездда юриш бепул бўлади.

Дорилфунунга бориб, талабалар билан мулоқот ўтказди:

— Башарти сайланиб қолсам борми, бор кучимни сизларнинг ўқиш ва турмуш шароитларингизни яхшилашга, сизларни ўйлантираётган, олдингизда турган барча муаммоларни ҳал этишга сарфлардим.

Сайланган заҳотим 4 та 20 қаватлик ётоқхона қурдираман. 1-қаватларда турли тўгараклар бўлади. 2-да ҳаммом, сартарошхона, кутубхона ва яна бошқа шунга ўхшаш нарсалар бўлади. 3-қаватдаги бепул ошхонада истаган маҳалда овқатланиш мумкин бўлади. Қолганлари бир кишилик хоналар, зўр шароитлари билан сизларга мўлжалланган бўлади.

Кейин мутасадди ўртоқлардан стипендияларни 480-500 сўмга чиқаришларини талаб қиламан. Оилалиларга ундан ҳам юқори. Ўқув хоналарининг ҳаммаси видеолаштирилади. Унда сизлар конспект ёзишдан қутилиб, лекцияларни кинога туширасизлар. Ўқитувчилар билан талабалар ўртасидаги «хитой девори»ни ниҳоят буздиришга ҳисса қўшаман...

Хуллас, кўп ерларда учрашувлар ўтказди. Мабодо сайланиб қолгудек бўлса, халқ фаровонлиги учун... кўп ишлар қилинадиган бўлди.

Ниҳоят у депутат бўлди.

Энди унинг қабулига киришнинг ёки ўзи билан суҳбатлашишнинг сира иложи қолмади. На колхозчиларни, на ишқибозларни, на яна бошқа бировларни қабул қилишга унинг вақти йўқ эди. Буни ҳамма ўзича тушунди. Биров: «Энди биз билан иши бўлмай қолибди-да», — деса, яна биров: «қилмоқчи бўлган ишларига астойдил киришди шекилли», — деб ўйларди. Қайси бирининг фикри тўғри, буниси бизгаям қоронғу!

А. АБДУЛҲАМИДОВ.

ТВ

15 АПРЕЛЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Мактаб ўқувчилари учун «Компьютер сабоқлари». 10.25 Спорт программаси. 1. Ёш спортчи мактаби. Кураш. 2. От спорти. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг соврини учун мусобақалар. Отчопардан репортаж (ёзиб олинган). 11.25 «Дўстлик чаманзорида». Концерт. 11.55 Ҳамза Имомбердиев. «Сеҳрли ҳарфлар ороли». Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.50 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 13.25 «Мушоҳада». Чимкент вилоятидаги оилавий болалар уйлари ҳақида. 14.15 «Муваффақият чўққиси». Телефильм.

Тижорат видеоканали

14.35 «Илғор тажриба мактаби».

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Кино жавонидан». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Якшанба оқшомида». 21.40 Катталар учун мультфильмлар «Валкон», «А+В». 22.00 «Ахборот». 22.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Ака-укалар оқибати ҳақида. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Бадиий фильм. 19.15 «Телетомошабин ҳамроҳи». 19.45 «Забон дони — чаҳон дони». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Борбаднинг 1400 йиллигига. «Кўҳи баланд». Тожикистон санъат усталари иштирок этадилар. 22.00 «Ҳафта». Информацион программа. 22.30 «Кўҳи баланд» кўрсатувининг давоми.

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 «Здоровье». 12.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм (ГДР). 5-серия. 14.15 «Педагогика ҳамма учун». 15.15 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 16.30 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак» («Ленфильм»). 18.00 Шафқат ҳафтаси. «Уйғониш».

Якшанба кинозали

18.30 «Пишлоқдан ясалган уй». Мультфильм. 18.45 «Самогончилар». Бадиий фильм («Мосфильм»). 19.05 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 П. И. Чайковский. 100 та романс. 21.35 «Қадимий вулқон қияликларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.50 Джаз портретлари. Сизни Г. Лукьянов раҳбарлигидаги «Каданс» ансамбли таклиф этади.

● МТ II

7.30 Зарядкага сарфланинг! 7.45 «Бир партия шахмат ўйнаш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»). 8.00 «Оқ қарқара». Мультфильм. 8.15 «Биз қўшни бўлиб яшардик». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия). 9.30 «Саҳрони қутқариш». Ҳужжатли фильм премьераси. «Она-замин ташвишида» туркумидан («Туркманфильм»). 10.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар студияларининг фильмлари. «Урсалар — қоч...» («Грузия-фильм»). 11.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 11.35 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Л. Кристи фильмлари. «Ҳаётимиз ҳақида кичик ҳикоялар» («Экран»). 12.25 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 14.55 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 16.00 «Совет Россияси» видеоканали. 18.30 «Планета». Халқаро программа. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз». 19.45 «Бу шахмат эмас, бу...» Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 19.55 Бадминтон. Европа чемпионати. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 Тарихий фильм. «Даниил — князь Галицкий» (Одесса киностудияси).

«Ёш ленинчи» рўзнома жамоаси редакция ходими Дилором Икромовага опаси

Дилбар ИКРОМОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 02231. Д. — 23146.